

1991 йил 1 сентябрдан  
чиқа бошлаган

# Оила ва жамият

## БОЛА КУЛСА- ОЛАМ КУЛАР



**Сухбатдошим Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш Бошқармасига қарашли "Кичкинтой" болалар уйи бош шифокори Тоҳира Исмоилова. Тоҳира опа мазкур муассаса ташкил топган кундан бошлаб, бош шифокор сифатида фаолият юритмоқда.**

- Бизда асосан туркухоналарда ихтиёрсиз ҳомиладорлик натижасида дунёга келган гўдаклар тарбиялаб, парваришланади. Яна кўплаб чақалоқларимизни оналар олиб келиб ташлашади. Афсуски, билб-билмай тиконни босган ёш қизчалар яна

**2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили**

бир гуноҳга қўл урадилар. Балки ҳозирча улар бунинг қанчалик нотўғрилигини билмас, лекин теварак-атрофдаги одамлар бундайларга йўл-йўриқ кўрсатишлари лозим, деб ўйлайман.

**- Фикрингизда жон бор. Чақалоқ аввало она сугидан маҳрум бўлади, қолаверса ундан қутулиш йўлидаги уринишлар натижасида асоратлар қолади. Шундайми?**

- Албатта. Она сўти, она меҳрига ҳеч ким ва ҳеч нарса тенг келмайди. Бизда ҳамма нарса етарли. 16 та тарбиячи, 15 та энага, 3 нафар шифокор, 5 та ҳамшира мавжуд 56 та бола атмосфера парвона. Лекин чақалоқ она бағрини кўмсайди. Болаларнинг илк тиши чиққанда, биринчи қадам қўйганида ўзини тута олмайман. Қани энди дилбандини онаси курси дейман. Ҳаётимиз, давлатимиз томонидан эътибор, ғамхўрликлар керагидан ортиқ. Биздаги имкониятлар баъзи оилалардан анча яхши. Лекин юртимнинг бир четида бир нарса доим узилгандек бўлиб

туради. Бу - уларни ўз оиласида кўриш нияти.

**- Болаларнинг кейинги тақдирини нима бўлади?**

- Болалар 4 ёшга тўлгандан кейин Чирчиқдаги болалар уйига олиб ўтамиз.

Яқинда Наврўз тантанасида Президент ҳузурини Давлат ва жамият қурилиш Академияси жамоаси 6 нафар ўғил болалар учун суннат тўйларини ўтказиб берди. Болаларнинг бошдан-оёқ кийгишиди. Да-стурхон ёзишди. Ҳар бир болага Халқ банкда 30 минг сўмдан пул қўйишди. Болаларнинг шу даврдаги қувончини, кўзларидаги самимиятни таърифлашга тил ожиз. Шу ўринда ҳомийларимиз Янгийўл шаҳридаги Ёғ-мой хўжалик жамоаси, вилоят Кимё ишлаб чиқариш корхонаси, кўплаб тадбиркорларга раҳмат деб ўтишни жоиз биламан. Улар кўмагида фарзандларимиз ҳеч нарсадан зорикмай яшашмоқдалар. Педиатрия илмий-текшириш институтининг "Гепатология" бўлими бошлиғи профессор Флора Илёсова бошчилигидаги профессор-аспирантлар ҳар икки ҳафтада болаларни кўриқдан ўтказадилар. Зарурият туғилса, болаларимиз клиникада даволанишади.

**- Меҳрибон тарбиячи, энагалардан кимларни айта оласиз?**

- Тарбиячилардан Хатир Мирзабоева, Цизман Наташа, Мирдавлатова Елена, ҳамширалардан Фарида Қорабоевани ўз ишининг фидойилари деб биламан. Шифокору хизматчиларимиз гўдаклар соғлом муҳитда ўсиб-унишлари учун бор меҳр, куч-қувватларини сарфлаб келишмоқда.

**- Сухбатингиз учун ташаккур. Сухбатдош Муқаддас ЮСУПОВА**

## ҲАЙКАЛТАРОШЛИГИМИЗ



Бағрикенг Она юртимиз доимо истеъдодларга бой бўлган. Тарихимизга назар солсак, рассомчилик билан бир қаторда ҳайкалтарошлик санъати илдиэлари ҳам узоқ даврларга бориб тақалади. Урта Осиё, хусусан мамлакатимизда топилган тош асрига оид ибтидоий ҳайкаллардан тортиб Кушон, Сўғдиёна, Марғиёна, Юнон-Бақтрия маданиятининг қолдиқлари ва бошқа топилмалар буларга мисолдир. Бугунги кунда ҳам мазкур санъатнинг давомчилари бир-биридан гўзал асарлар яратиб, ушбу анъанани давом эттирмоқдалар. Ана шу ижодкорлар орасида ҳайкалтарош-рассом Азамат Хотамовнинг салмоқли ўрни бор.

Азамат аканинг чуқур фалсафа, миллийлик ва ватанга муҳаббат билан суғорилган катта-кичик ҳажмдаги ҳайкаллари юртимиз ва хорижий давлатларнинг музейлари, боғлари, шахсий коллекцияларидан ўрин олган. Булар қаторига Жарқўрғон минораси асосидаги Мустақиллик монументи (Мустақиллик монументи муқаддас бўлган), Бобуршоҳ ҳайкали (Сурхондариёдаги шу номли боғда), Алпомиш, Амурдарё, Тўмарис ва бошқа образларини киритиш мумкин.

Азамат Хотамов ижодида тарихий мавзулар билан биргалликда замондошларимиз ҳайкаллари ҳам талайгина. Бу-

## АЗАМАТИ

лар орасида айниқса, шоира Зулфиянинг бюстини алоҳида таъкидлаган бўлардим. "Афсус, - дейди рассом, опанинг ўзлари тайёр вариантни кўра олмадилар... Бир орзуим бор, ҳозирда хувиллаб қолган "Мовий гўмбазлар" чойхонаси жойлашган хиёбонга Зулфия опанинг номи берилса, уларнинг ёнидан ўзининг эзгу ишлари ила Туронзамин тарихида ном қолдирган момоларимиз ҳайкаллари жой олса". Дарҳақиқат, Азамат Хотамовнинг ижодида аёллар образи етакчи ўринни эгаллайди. Мўъжаз, нозик пластик ечимга эга бўлган ҳайкалларнинг талайгина қисми аёлларга бағишланган. Булар орасида Ватан образи акс этган, боласини бағрига босган Она ҳайкали таҳсинга сазовордир. Мазкур ҳайкал ҳам Мустақиллик майдонига қўйишга мўлжалланган танловда иштирок этди.

Ижодкорнинг кўп йиллик меҳнати муносиб тақдирланиб келмоқда. Унинг устахонаси деворларини давлатимиз ва хорижнинг кўплаб диплом ва ёрликлари безаб турибди. Азамат Хотамов 2004 йил Ўзбекистон Бадиий академиясининг Кумуш медалига сазовор бўлган.

Албатта булар ўз-ўзидан бўлга-

ни йўқ. Унинг ортида улкан машаққат, захмат ётибди.

- Умримнинг кўп қисми ўқиш билан ўтди, - дейди рассом. - Аввал Сурхондариёда, Тошкентда ва Ленинградда ўқидим. Беш нафар фарзандим билан Юнусободдаги икки хонали секцияда истиқомат қилардик. Унда хали устахонам ҳам йўқ, болаларим атрофимда тўполон қилиб ўйнаб, ўйни бошларига кўтаришар, мен эса уларни тартибга чақириб, ижод қилаверар эдим. Айниқса, ижодкор учун уни тушунадиган, ҳис қиладиган умр йўлдошининг аҳамияти катта. Бу борада омадлиман. Умр йўлдошим Майрамхон оғир кунларимда ҳам менга далда, малҳам бўлган. Қолаверса, мен учун "илҳом париси" ҳам, энг талабчан "танкичи" ҳам шу киши. Фарзандларим ҳам бугун вояга етиб жамиятда ўз ўринларини топа бормоқдалар...

Сермахсул, серқирра ижодкор Азамат Хотамов айна камолот палласида. У хали кўплаб ўлмас асарлар яратиб, миллатимиз маданиятини жаҳонга ёйишга ўз ҳиссасини қўшаверишига шубҳа йўқ.

ШАВКАТ

## 10 ЙИЛЛИК САРҲИСОБИ

Яқинда Тошкент шаҳридаги Марказий Зобитлар Саройида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси қошидаги Тиббий ижтимоий патронаж тизимининг 10 йиллик муносабати билан Республика конференцияси ўтказилди.

Мазкур конференцияда республикамизнинг барча минтақаларидан Тиббий Ижтимоий Патронаж тизимининг

фахрийлари, фаоллари, шунингдек, Республика Хотин қизлар кўмитаси ва бошқа ташкилотлардан вакиллар иштирок этдилар. Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг ўринбосари, "Соғлом авлод учун" жамғармаси васийлик Кенгаши раиси С.Иномова олиб борди. Утган йиллар ичида тиббий ижтимоий патронаж йўналишида амалга оши-

рилган ишлар сарҳисоб қилинди, галдаги режалар белгилаб олинди. "Соғлом авлод учун" жамғармаси томонидан эса ТИП бригадаларига дори-дармонлар, сангигиеник воситалар, кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари топширилди. Мазкур муруват ёрдами жойлардаги кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларга тарқатилди. Анжуманда бир гуруҳ фахрийлар ва фаоллар совғалар билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз

### Ахборот

## ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Тошкент вилояти касб-хунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда Қуйи Чирчиқ туманидаги касб-хунар коллежида "Аёллар ва Ёшлар терроризмга қарши" ва

"Аёл - баркамол авлод мураббийси" мавзуларида огоҳлик тадбири ўтказилди.

Мазкур тадбирда туман кишлоқ фуқаролар йиғини раислари, маҳалла оқсоқоллари ва маслаҳатчилари, та-

лаба ёшлар, фаоллар, хотин-қизлар кенгаши раислари, турли ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси "Ахборот-мағбуот маркази" раҳбари Х.А.Зокирова, кўмита масъул ходими, шоира З.Мўминова, Ўзбек Миллий академик театр актёрлари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар

Пўлат Носиров, Муқаддас Ҳолиқова ва бошқалар сўзга чиқиб, бугунги кунда энг долзарб масала бўлган терроризм, диний-экстремизм, унга қарши кураш, огоҳлик ва ҳушёрлик давр талаби эканлиги ҳақида гапирдилар.

Феруза ОРИПОВА

# ЯХШИЛИК ТЎРГА ЭЛТАР...

2006-йил «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»

Бир пайтлар Фанижон ота ташаббуси билан Боғишамол қишлоғида ичимлик суви иншооти қурилган эди. Ушанда ота фарзандларини ёнига чақириб: "Ўғилларим, одамнинг қилган яхши ишларининг иккинчи умри ҳисобланади. Қўлингиздан келганича одамларга наф келтиринг, маҳалла, эл-юрт оғирини енгил қилинг, савоб ишлардан қўлингизни тортманг", - деб насиҳат қилган эди. Мақоламиз қахрамони Андижон вилояти кенгаши депутати Бахтиёржон Ҳакимов ана шундай ота бошлаган ишларни давом эттириб яшайпти.



У йиллик ишлари сарҳисобини олгач, биринчи навбатда қариялар, ёлғиз аёллар яшаётган хонадонларга ичимлик суви олиб боришни режалаштирди. Тез фурсатда бу ишларни амалга оширгач, сув насосини назорат қилиб турувчи мутахассис тайинлади, унга ойлик маош белгилади ва қўшимча насос келтириб захирага қўйди. Натижада Боғишамол қишлоғидаги беш маҳаллада сув муаммоси бартараф қилинди.

Кейинги йили қишлоққа янги трансформатор келтириб, 150 хонадонни алоҳида электр тармоғига улади. Маҳалла ободончилигига, қабристонларга доимий эътибори тўғрисида, бу қишлоқ саранжом-саришта, маҳалла фуқароларининг кайфияти аъло, кексаларнинг кўли дуода. Сегазакум қишлоғидаги фойдаланилмай ётган эски "Универмаг" биносини хусусийлаштириб, уни замон талаблари асосида таъмирлади. Орқасидаги бўш майдонга қўшимча бинолар қурди. Бу қишлоққа ҳам Бахтиёржон трансформатор ўрнатиб, юзга яқин хонадонни электр қуввати билан таъминлади. Энди уни одамлар "қадами кулгун йиғит" деб атай бошлашди.

Урта Шаҳрихон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, кекса педагог Маъмуржон ака Маъ-

диев Бахтиёржон ҳақида тўлқинланиб гапириб берди:

- Бир йили маҳалламизда бир аёл бетоб бўлиб қолди, докторлар айтган уколни ҳатто Тошкентдан ҳам топиша олмади. Шу йиғитимиз бундан хабар топиб, Москвага одам юбориб, дори-дармонларни олдириб келди. Уша аёл ҳозир соғ-саломат. Бахтиёржон ночор оилалардан ҳеч қачон беғараз ёрдамини аямаган. Ўзи ўқиган 16-ўрта мактабни таъмирлаш ишлари учун доимий ёрдам бериб келади. Бахтиёржон ҳақида айтман десам гап кўп... Қўчаларга шағал ётқизишу - асфалтлаштириш каби ишларни айтмай қўя қолай. Бу йил депутатликка номзодлар рўйхатга олинаётган пайтда маҳалла фаоллари хузуримга келишиб: «Бахтиёржон бизнинг депутатимиз, биз уни аллақачон сайлаб бўлганмиз», - деб туриб олишди.

Депутат ишни мактаблар аҳолини ўрганишдан бошлади. Аввало тумандаги мактабларнинг 200 нафар аълочи ва кам таъминланган оила фарзандларига янги йил совғалари тарқатди. Шу баҳонада улар билан самимий суҳбатлар ўтказди. Уларнинг оғрик нуқталари билан қизиқди. Шаҳардаги 1 -ўрта мактабга ичимлик суви келтирилди. Шу билан бирга 16, 53, 58-мактабларнинг жорий таъмири учун қурилиш материаллари, дераза ромлар учун ойналар, лак-бўёқлар келтирилди. Ҳайит кунлари икки бош кўй сўйилди, гуруч, ёғ, иссиқ оёқ кийимлари олиниб, кам таъминланган хонадонларга тарқатилди. Бўш ётган

қаровсиз ерларга минг туп терак кўчати ўтказди. Уч юз туп яшил арча кўчатлари шаҳар ва қишлоқ кўчаларига кўрк қўшиб турибди. Тумандаги Меҳнатобод ва Кўргонча қишлоқларидаги икки чақирим тупроқ йўлга шағал ётқизди. Ободонлаштириш ишлари учун бир миллион сўм пул ўтказиб, истироҳат боғи кўрккам бўлишига ҳам ўз ҳиссасини қўшди.

Ха, Бахтиёржон Ҳакимов ҳаётда ўз ўрнини топган инсон. У фаолиятини "Кампир-ривот" сув омборида инженер-энергетикдан бошлаганди. Биринчилардан бўлиб автомобилларга техник хизмат кўрсатдиган мўъжазгина фирма очди. Укаларини ўз ёнига олди. Тиришқоқлиги, янгиликка интилувчанлиги тўғрисида фирманинг ихлосмандлари кўпайди. Бахтиёржонни Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоллигига муносиб кўришди. Мулкдор ўз дастурига эга бўлди. Жамоасида ҳам 15 нафар партия аъзоси хизмат қилади. Нияти —қўшимча яна 100 та ишчи ўринлари яратиши. У ҳар қадамда онаси Оминахон аянинг "Ҳалоллик дилингнинг йўргаги бўлсин", деган ўғитига риоя қилади. 18 жонлик оиланинг гамхўр етакчиси сифатида ҳурмати бор. Умр йўлдоши Омадон билан фарзандларига ростиўйлик, меҳнатдан қочмаслик ва раҳмдиллик ҳақида сабоқ беришади.

**Ха, доғимандларимиз:** "Яхшилик тўрға элтар", деб бежиз айтишмаган-да.

Шифокор Соҳибахон Ражабованинг кўригида бўлганлар гоҳо касалларини ҳам унутиб юборишади. "Яхши сўз ва яхши куй энг оғир хасталикларга ҳам даво бўлади", деб бежиз айтишмаган-да.

Ха, Соҳибадаги билимдонлик, беморнинг кўнглига кира олиш, энг оғир вазиятларда ҳам уларда яшашга иштиёқ уйғотиш асли ота-онасидан ўтган. Кўп йиллар Ғиждувон тумани касалхонаси бош ҳақими бўлган

хусусий тадбиркорликка кенг йўл берилгач, Соҳиба ҳам эски меҳмонхонани хусусийлаштириб, отасининг хотирасига "Туйғун" шифохонаси деб атади. Турмуш ўртоғи Эркин ака Расулов Соҳиба-нинг қарорини қувватлади, ёрдамлашди. Пахтабақдан 2 млн. сўм қарз олиб клиникага махсус, ноёб тиббий ускуналар сотиб олишди. Касалхонада жарроҳлик ва ички касалликлар бўлимлари иш

# ЭЛГА ҲАМДАРД БЎЛИБ...



отаси Туйғун ака ва онаси, ички касаллик бўлими бошлиғи Назира опа (икковларининг ҳам охирашлари обод бўлсин) эл ишончини қозонган инсонлар эди. Отаси юрак хурждан 41 ёшида оламни тарк этганда Соҳиба 9-синфда ўқирди... Ушанда уйнинг бурчакларига тиқилиб олиб, эзилиб-эзилиб йиғлаганди. Касалликни лаънатлаганди. Аммо... Тангрининг иродасига ҳеч ким шак келтиролмади. Қизгина: "Кардиолог бўлман, токи ҳеч ким ёш ўлиб кетмасин!" - деб қатъий аҳд қилди. Мактабни тамомлагач, у Самарқанд тиббиёт институтига ўқишга кирди. Уни тугатиб, Ғиждувон туман касалхонаси ички касалликлар бўлимида, онасининг кўлида "роса пишиди", кардиолог бўлди. Одамлар "дўхтир Соҳиба"ни қидириб келадиган бўлишди. 1994 йил Президентимизнинг Фармони билан

бошлади. Бу ерга келган касаллар 12 кунда тўлиқ даво курсини оладиган бўлишди. 1 йилда 120 дан ортиқ бемор шу даргоҳдан шифо топди. 20 нафар нафақахўр ва кам таъминланган оилаларга, етим-есирларга бепул хизмат кўрсатилди. Байрамларда эса маҳаллаларга ва мактаб ўқувчиларига қўлларидан келганча хайрия қилишди. Юртбошимизнинг "Савоб ишни ҳар кун ва ҳар ким қилиши керак!" деган гаплари уларга шior бўлди. Соҳибахоннинг кўнглидаги тилаклари фарзандларига ҳам "юкқан", Индирахон, Элионоралар - бўлажак шифокорлар. 5-синфда ўқиётган Сардорбекнинг орзуси ҳам "бобосидек дўхтир" бўлиш. Ха, хайрли ишнинг хайрихои кўп бўлади, дейишди. Яхши ниятли инсоннинг иқболи ҳам баланддир.



Хавоҳон опа хонасига кириб столининг устида турган бир даста конвертга кўзи тушди-ю, юраги орзиқиб кетди: "Болагиналаримдан бўлса керак!" Биринчи мактубни жилмайганча ўқий бошлади: "Азиз онахоним! Тугилган кунингиз муборак бўлсин! Бугунги муваффақиятларим Сиз тўғрисида! Таъзим қиламан Сизга! Эҳтиром билан Сорахонингиз, Тошкент".

# СОҒЛОМ АВОЛА ЖОНКУЯРИ

бола эди. Бағрига олди. Ота-она меҳрини беришга ҳаракат қилди. "Қиз бола бировнинг хасми" деб муомаладан тортиб, уй тутиш, овқат пиширишгача ўргатди. Бўладиган бола бошидан маълум, дейишганидек унинг тиришқоқлиги ушандаёқ белгили эди. Худода шукр, бахтини, йўлини топди.

Хавоҳон опа конвертлар устидаги номларни ўқий бошлади: "Улуғбек, Махмуджон, Нодирахон..."



35 йилдан буён шу манзара. Опа ҳаргал тарбиялаган болаларини қайта-қайта эслайди, омонлик тилайди. Хавоҳон Абдуллаева ТошДУни тугатган, Қўқон коммунал техникумида физика, математика фанларидан дарс берди. 30 йил 9-мактаб интернатини бошқарди. Бу давр мобайнида умумтаълим интернатини республикада биринчи бўлиб, заиф кўрувчи болалар махсус мактаб интер-

натига айлантиришга эришди. Илмгоҳда спорт заллари, тиббиёт мажмуаси биноси, меҳнат устaxonалари, мажлис ва тантаналар ўтказиш зал ва ҳаммом қурилди. Фан кабинетлари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Республикада биринчи бўлиб телевизион метод билан ўқитиш кабинетини ташкил қилди. Кўз касалликларини даволаш, физиотерапия хоналари иш бошлади. Уларни Япониядан тиббий асбоб-ускуналар олиб келиб жиҳозлашди. Даволаш жараёнларига ангилик олимларини ҳам жалб қилди. Шунингдек, 1970 йилда Қўқонда Онкология диспансерига вилоятда биринчи бўлиб, "Луч 1" аппарати олиб келиб ўрнатилди. Фаргона водийсининг турли шаҳар ва туманларидан келган 300 нафардан зиёд касалларни нур билан да-

волашда "Ядро физикаси" мутахассиси сифатида Хавоҳон опа катта ҳисса қўшди. Опа 40 йилдан буён вилоят ва шаҳар хотин-қизлар кенгаши аъзоси бўлиб, аёллар, болалар соғлиғини сақлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилишда фаол иш олиб бормоқда. Турмуш ўртоғидан бевақт айрилиб қолган опа 3 нафар фарзандини оқ ювиб, оқ тараб воёга етказди, элга қўшди. Ўғиллари Равшанжон иқтисодчи, Рустамжон эса шифокор. У 3 нафар муборакнинг севимли бувижониси. Бугунги кунда қизи ҳамда шогирди, шаҳар кенгаши депутати, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Дилдорхон Маҳмудова онасининг ишини давом эттириб махсус мактаб интернатини бошқараяпти. Тиниб-тинчимас Хавоҳон опа эса мазкур даргоҳда педагог-рухшунос бўлиб фаолиятини давом эттирмоқда. Ҳ. Абдуллаева 1 даражали "Соғлом авлод учун" ордени, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси унвонларига сазовор бўлди. Биз опага узоқ умр тилаб, улар ўстирган меҳр гулининг ифори бутун оламини тутишини истаймиз.

Санобар ФАХРИДИНОВА

# МЕҲР ТЎКИЛГАН БАЙТ

**Энажоним - бурорим, Буриблар сўйлаб турорим...**

Мана шу сатрларни энамдан эшитганимга бир неча йил бўлди. У мени бағрига босиб кўришаётиб, шу сўзларни тўлиб-тошиб такрорлаган эди. Ушадан буён шу байтни доимо такрорлаб юрган бўлсам ҳам, уларни шарҳлаб ёзишга ҳеч ўзимда етарли куч топа олмадим. Нега? Дунёга келиш ва кетишнинг буюк қонуни асосида ер яширган катта эна, катта момоларнинг ақл-заковати, меҳри, жонхалаклиги борми бу сўзларда? Уша оппоқ сочли азияларчалик фикр юритишни, шулар даражасида меҳр кўргизишни очиб бера олармиканман? Бисотимда борим - энг яхши, нодир сўзларимни танласам ҳам, юқоридаги меҳр тўкилган гапга тенг кела олмайдим, улар олдида уроқ ҳам бўлмайди. Лекин барибир энам айтган куйма сатрлар таъсирига йўғрилиб қолдим. Ёзмай туролмадим.

## Кадриятларимиз-ўзлимиз



бўлди, холос. Бу сўзлар эса юқоридаги байт олдида жуда жўн ва оддий бўлиб қолди.

Ўзимча шу икки байтнинг тишим ўтганча таърифладим, деб турсам, бу байтнинг яна бир қирраси ярқираб кетди! Мен - фарзанд, у киши - она-ку. Нега бу сатрларни мен айтмай, энам айтди?! Хайлаб-ўйлаб топдим! Она фарзанд учун қандай оғоҳ бўлса, она кексайганда фарзанд онага нисбатан, она-она учун шунчалик оғоҳ бўлиши кераклигини уқдирган экан! Энди тушундим, туғруқнадан уйга чақалоқ билан келганимда қиз туғилган чақалогимни қайнона-энам нега "энажоним, энажоним", деб қўлидан қўймай эркалаб суйишни!

Муҳтарам ўқувчи! Нега минг йиллардан буён сочи оппоқ, кўнгли оппоқ эналаримиз тилида сайқалланиб бизгача етиб келган, қанча улуг вазифаларни ўтаган бу табарруқ куйма байтни фаҳим етганча шарҳлашга уриндим. Мулоҳазаларим кўнглингизни тўлдирмагани аниқ, қандай бўлса ҳам бир оддий онанинг уриниши, холос. Турган гап - бу байтнинг яна қанча жилolari бор.

Фикримга нуқта қўйдим, деб ўйловдим. Йўқ! Ундай бўлмайди. Фарзандини ўзига буриблар сўйлаётганда қайси она ёмонларга ёндошма, яхшилардан адашма, деб тайинлашга улгурмайди? Фарзандини кўрмаганда-чи, унда у оғоҳлигини янаям кучайтиради. У ҳар куни беш вақт намозини ўқиб бўлгач, элга тинчлик, осейишталик, соғлиқ, омонлик, тўрткўз-туғаллик ва тўкинлик тилаб, эл қаторида ўзининг "ёмонгина" болаларига ҳам юқоридаги буюк неъматларни Оллоҳдан илтижо қилиб сўрайди.

**Сайёра БЕКМИРЗАЕВА**

Энажоним - бурорим. "Бурорим"га эътибор қилинг. Она дунёдаги нимаки яхшилиқ, аввало тинчлик-хотиржамликни, ярашқили либослар бўлса уни, тотли овқатлар бўлса, уни ҳам фарзандига буради, илинади. Хаттоки одамнинг кайфиятини яхши кўтарадиган бирон-бир култулик гапим ёки бир яхши хабарим, дарров шунини боласига етказсади, унга буради, боласи тезроқ эшитса-да, қувонса! Ҳамма яхшиликни фақат ўз фарзандларига эмас, ҳаммага тилайди, чунки онага боланинг бегонаси бўлмайди-да.

**Буриблар сўйлаб турорим...**

Муҳтарам ўқувчи! Диққат қилинг, узатган қизини ёки алоҳида яшайдиган ўғлини ҳар қандай шошилич дақиқаларда, кўпчилик тўлганган жойларда кўриб қолса ҳам, ўзига буриб қаратиб, астагина «қандайсан болам, тинчмисан, соғмисан», деб сўрашга улгур-

маган онани топа оласизми? Йўқ! Чунки она фарзандидан ҳамма вақт оғоҳ бўлмай туролмайди.

Нега буриб сўрайди эмас, буриблар сўрайди? Чунки тартимининг кўзга сургулик ҳарорати, охори ана шу "лар" қўшимчасининг бирга келиши билан юракка яқин. "Лар" қўшимчасининг ўзидоғина шунча меҳр товланиши борлигини қаранг! Агар "Буриб сўйлаб турорим" бўлганда, "лар" қўшилмаганда, бу байтдан жонхалаклик, меҳрибонлик, эркалаш, суйиш, оғоҳлик эмас, ғийбат қилиш, кўполлик тушунилари!

Иззатли ўқувчим! Энди юқоридаги байтни яна бир бор овозингизни чиқариб қайтадан, юракдан ўқинг. Оддий сўзларнинг гўзал оҳангдошлигини, улардан меҳр-оқибатнинг тўкилишини қаранг! Менинг эса улар ҳақида топган сўзларим фақат меҳрибонлик, жонхалаклик, оғоҳлик, фидойийлик

маган онани топа оласизми? Йўқ! Чунки она фарзандидан ҳамма вақт оғоҳ бўлмай туролмайди.

Муҳтарам ўқувчи! Нега минг йиллардан буён сочи оппоқ, кўнгли оппоқ эналаримиз тилида сайқалланиб бизгача етиб келган, қанча улуг вазифаларни ўтаган бу табарруқ куйма байтни фаҳим етганча шарҳлашга уриндим. Мулоҳазаларим кўнглингизни тўлдирмагани аниқ, қандай бўлса ҳам бир оддий онанинг уриниши, холос. Турган гап - бу байтнинг яна қанча жилolari бор.

**Сайёра БЕКМИРЗАЕВА**

Опа-сингиллар турмушга чиққач, бир-бирларидан узокда яшашлари оқибатида, бир-бирларининг кори-ҳолига ярамаслиги мумкин. Овсинлар эса бир-бирларига жуда яқин бўлиб, худди туғилган опа-сингиллардек бир қозондан овқат ейишади, бир остонадан киришади, оилада ҳар ишда ёнма-ён туришади. Овсинлар ўзаро сирдош, оғирини енгил қиладиган, бетоб бўлганда биринчи ёрдам қўлини чўзадиган инсонлар бўлиб кетишса олам гулистон.

Овсинларнинг муносабати ака-укалар ҳаёти учун жуда муҳим. Ака-укаларни бир-биридан айириб бўлмайди. Улар бир-бирининг суяган тоғи бўлиши керак. Мабодо ака-ука ўртасида келишмовчилик келиб чиқса

дугонаси сифатида овсинидан сўрарди. У ҳеч нарсадан хабарини йўқдек, жим турарди. Овсини Наргизани "иссиқ-совуқ" қилишда айблади. Гўёки Наргиза эри ва барча оила аъзоларини ўзига ағдариб олиш пайида экан. Катта келин ҳаммани бу ёлгонга ишонтирди. Наргиза илгаригидек ширин муомаласини давом эттирса, хонадондагилар энди уни айёрликда айблашди. Турса сўпоқ, ўтирса ўпоқ дейишадиган бўлишди. Бу орада Наргиза қизлик бўлди. Эри эса калтаклашни одат қилиб олди, янгасининг гапига кириб, хотинининг қўлидан чой ҳам, овқат ҳам емай қўйди. Ҳатто хотини ва фарзандининг олдига кирмайдиган

# ОВСИНЛАР



бўлди. Қайнона ҳам қўшилиб, ўғлининг тутган режасини маъқуллади. Наргизани қишнинг совуқ вақтида ҳайдаб чиқариб, уйга киргизмайдиган одат чиқариб олди. Кўшнлар орага тушиб, олиб кириб қўядиган вақтлар ҳам бўлди. Наргизанинг ота-оналари бир неча бор келиб, қудаларидан уэр сўрашди. Қизининг айбини сўрашганда, Наргизани "иссиқ-совуқ" қилишда айблашди. Қудалар набирасини етим қилмаслик учун қизини шу ерда қолишга кўндирдиши.

ёки бир-бирларидан бир умр юз ўтирса, бунга аввало овсинлар, уларнинг тили айбдор. Қолаверса, уларни тарбия қилган ота-оналари, тарбияни давом эттираётган қайнона-қайноталари айбдордир! Чунки оилада меҳр-оқибат йўқолишига йўл қўйишган, фарзандлари ва келинлари ўртасида жигарлик меҳрини ўз вақтида уйғота олмашган. Бундай оқибат оиланинг ажралишига сабаб бўлади. Шундай оилалар борки, ака-укалар, овсинлар бир-бирлари билан жижкамаш.

Шу ўринда бир воқеа эсимга тушди. Оиладаги ҳамма жанжал катта келин ўртада туриб, энг яқин дугонасини қайнисига олиб беришидан бошланди. Катта келин жуда бадавлат оиладан бўлиб, эрка ўсган, уй юмушларига тайёр бўлмаган, аммо қимматбаҳо совғалар билан қайнонасини ўзига оғдириб олган эди. Кичик келин Наргизахон ўқимишли, оғрубли, яхши тарбия олган, фақат маошга яшайдиган оилалардан эди. Аввалига Наргизахоннинг меҳнати, одоби, қилган уй юмушларидан қайнона ва қайнота жуда хурсанд эди. Эри ҳам уни ҳурмат қиларди.

Катта келин бунга ғашлик қилиб, оила аъзолари ўртасида турли низоларнинг келиб чиқishiини ўйлаб топди. Аввалига қайнонасини совғалар бериб авради, сўнг Наргизахон билан қайнона ўртасида жанжал чиқарди. Кейин Наргизани эри билан тез-тез уриштирадиган одат чиқарди. Наргиза нимадан жанжал чиққанлигини тушунмас, жанжал сабабларини энг яқин

Наргиза ошхонага кириши, музлатгичдаги озиқ-овқатларга қўл теккизиши таъқиқланганди. Маҳалла фаоллари, қўни-қўшниларнинг аралашуви ҳам ёрдам бермади. Наргиза ўқишга кетаётганида онаси болани олиб қолиш учун бекатда пойлар, қайтаётганида болани Наргизага бериш учун қосада овқат, боласига кераклик нарсалар билан қизини уйига қузатарди. Ҳатто эри ақасининг қизини етаклаб олиб, кўчаларда сайр қилдирадирди, ўз қизига қиё боқмасди. Бу ҳолатларнинг барчаси Наргизанинг асабини ўйнатмай қолмасди. Боласининг ўқисиниб йиғлаши, тинмай калтаклашни охири Наргизани ажралишига мажбур қилди. Келини ва неварасидан ажралиб қолганини қайнона кейин тушуниди. Чунки ўғли ичадиган одат чиқарди. Ҳеч қаерда иш-ламасди. Иккинчи хотин ҳам бундай шароитга чидалмай, ажрашиб кетди. Бугунги кунда қайнона афсус-надоматининг чек-чегараси йўқ.

Қиссадан ҳисса шуки, не ҳарату ҳаракатда барпо қилинган ёш оилалар бузилиб кетмасин. Ота-она, қайнона-қайнота, опа-сингиллар, овсину божалар, қўни-қўшнлар, қўйинги, бутун маҳалла оиланинг бутун бўлиб қолиши, унда келажагимиз эгалари - ёш авлод яйраб-яшнаб ўсиши учун бор куч-имкониятларини сарфлашсин.


**Раъноҳон РАҲИМБЕКОВА,**  
Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Беруний маҳалласи фаоли.

# ТЕМИРГА БОЙ

Кўпчилик юртдошларимиз камқонликка анчайин эътиборсиз муносабатда бўладилар.

- Бу мулкка нотўғри қараш, - дейди Гематология ва қон куйиш илмий-тадқиқот институти қошидаги Камқонлик маркази раҳбари Дилором Сулаймонова. - Организмда темир танқислиги оқибатида келиб чиқадиган камқонлик вақтида даволанмаса, олдин олиш чоралари қўрилмаса, у ривожланиб, ўрта ва оғир даражага етиши мумкин. Бу эса ўз навбатида оналар ва болалар касалликлари кўпайишига, дардчил болалар туғилишига, уларнинг жисмоний ва ақлий ўсишда тенгқурларидан ортада қолишларига сабаб бўлади. Жаҳон банкининг маълумотига кўра, дунёдаги ҳар бир мамлакат камқонлик оқибатида миллий даромадининг ўртача 5 фоизга ақинини йўқотар экан.

Баъзида менга: "Халқимиз ун маҳсулотларини, таркибидан темир моддаси кўп бўлган гўшт ва дуккаклиларни хуш



# УННИНГ НОНИ...

кўриб истеъмол қилади, аммо камқонлик анча-мунча кўп учрашининг сабаби нима?" - деб савол беришади. Асосий сабаблардан бири — овқат вақтида чой, айниқса кўк чой ичишимизда. Чойнинг таркибидан темир моддаси йўқлиги етмагандай, у гўшт ва гўшт маҳсулотларидан 40 фоизгача, ўсимлик, дон ва мевалардан 70-100 фоиз темир моддасининг организмга сўрилишига тўсқинлик қилади. Шу боис чойни овқатдан камидаярим соат ўтиб ичишни тавсия этамиз. Уч ёшгача бўлган болаларга эса

умуман чой бермаслик керак. Овқат пайтида чой ўрнига шарбат, минерал ёки оддий қайнаган сув, қатиқ ичишни маслаҳат берган бўлар эдим.

Институтимиз мутахассислари томонидан бойитилган ун истеъмол қилишнинг самардорлигини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Маълум бўлишича, бойитилган ундан пиширилган нон ва нон маҳсулотларини мунтазам истеъмол қилиб борадиган аёллар ва болаларда бир йилда қондаги гемоглабин миқдори 5-7 гр/литрга ошар экан. Бу ўз навбатида 5 йил ичида республика миқёсида аёллар ва болалар камқонлигини 20 фоизга камайтириш имкониятини беради.

Ўз соғлиги тўғрисида қайғуриш биринчи навбатда ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Истардимки, юртдошларимиз темир моддаси ва фоллий кислотаси танқислигига, камқонликка эътиборсиз бўлмасинлар.

**Дармон ИБРОҲИМОВ**  
тайёрлади.


# ЁШЛИК ҲАМ, ЧИРОЙ ҲАМ ЎТКИНЧИ

- Тақдир мени биринчи хотинимдан жудо қилди, - дейди хонамизга кириб келган эркак. - Тўртта болта билан ҳайҳотдек ҳовлида зор қақшаб қолдик. Орадан бироз вақт ўтиб, уйланишимга тўғри келди. Болаларим айна ўспирин ёшида, она меҳри керак. Отамга жўра бўлган кишининг турмушдан қайтган қизи бор эди. Шунга уйланадиган бўлдим. Уни оиламизга олиб келишдан олдин жуда ҳашаматли ҳовлимни арзиманган нархга сотиб "дом" олдим. Чунки болаларим онаси билан яшаган уйда бошқа аёлни кўриб ўқимасин дедим. Янги уйни қайнотамнинг маҳалласидан танладим. Мен бу аёлнинг адаси яхши, обрўли одам-ку, фарзанди ҳам яхши бўлса керак, деб ўйлагандим. Афсус адашган эканман. У болаларимга она меҳрини берадиган оқила аёл эмас, балки хонадонимга наҳс олиб кирган фоҳиша бўлиб қолди.

**- Балки, ҳар хил гапларга ишониб...**

- Йўқ, йўқ, йўқ! Мен бирор нарсага ишонч ҳосил қилмагунимча гапирмайман. Бошида ўғлим айтганида ишонмадим. Доим иш билан юрганымда уйга кўнгирак қилсам, банд бўларди. Ахири бир кунни жахл устида: "Намунча телефонни банд қилсанлар, ким гаплашади бунча?" - деб сўрадим. Шунда хотиним катта ўғлимни кўрсатди. Бунга ўғлимни жаҳ-

ли чиқиб кетди-да: "Ёлғон, мен ҳечам гаплашмайман, ўзи доим эркаклар билан гаплашиб ўтиради", - деди. Бу гапни эшитиб, мен ўғлимга бир тарсаки туширдим-да: "Учир, овозингни, онангга ҳам шундай дейсанми?", деб бақирдим. Ўғлимнинг кўзларидан ёш оқа бошлади. Бунга чидамлай кўчага чиқиб кетдим. Урган кўлларим синиб тушсин, mening! Ўғлимни уришга урдим-у, лекин калламдан: "У нега бундай деди?" деган ўй чиқмай қолди. Кечкурун уйга қайтганимда қизимни ёнимга чақирдим. "Ўзинг катта қиз бўлиб қолдинг, ҳамма нарсага ақлинг етади. Бирор нарсани билсанми?" - деб сўрадим. Шунда қизим: "Ҳа, дадажон! Доим сиз йўқингизда қандайдир эркаклар билан телефонлашадим. Бир неча марта бу иши нотўғри эканлигини, сиз билиб қолсангиз, ёмон бўлишини айт-тидм. Аммо у доим: "Эй, бир жиннилик қилай дедим-да, адангга айтма", дейди. Тунов кунни сафарга кетганингизда ярим тунда хожатга турган эдим, қарасам улар жойларида йўқ. Ҳайрон бўлиб уйкум ҳам қочиб кетди. Тонггача деразадан



қараб ўтирдим. Бир пайт "Нексия"дан тушиб келди. "Қаерда эдингиз?", десам, "Сутга чиққандим", дейди. Қизимдан бу гапларни эшитиб: "Нега шу пайтгача айтмадинг", десам: "Ўзи жуда кўп сиқилдингиз, яна хафа бўлишингизни хохламадим", деди қизим. Шундан кейин мен уни кузата бошладим. Ва жуда кўп марта менга хиёнат қилгани исботланди. Ҳатто доим уйимга келиб турадиган жиянимнинг ўртоғи билан ҳам айшу ишрат қилган экан...

**- Балки, ўша эркаклар уни йўлдан уришгандир?**

- Фунажин кўзини сузма... Агар уйнаши битта бўлса шундай дейиш мумкин эди. Лекин униқининг саноғи йўқ.

**- Нима сабабдан у бундай қиларкан? Бирор етишмовчилик бўлгандир?**

- Уйимда ҳамма шароит бор. Хоҳлаганини олиб берадим. Ўғлимни кичкина ўғлим билан бир хил кийинтирдим. Бир кун қўл телефоним йўқолиб қолди. Кейин билсам, ўйнашига олиб бориб берган экан. Бирон нарса эришиш учун юрган-да бундай қилмасди. Жинсий томондан ҳам хирси йўқ эди. Шунчаки ўрганган кўнгилик... Аслида у 14-15 ёшидан кўчага чиқиб кетган экан. Ҳамма бало онасида экан. Доим онаси: "У ишимни қилиб берсин, бу овқатни пишириб берсин", - деб қизини чақираверарди. Кейин аниқласам, қўшмачилик қилиб, қизини ҳар ким-

га қўшиб юраркан. Унинг катта опаси ҳам худди шу аҳволда. Яқинда унинг эри ўлиб қолди. Бир кун қайнонаси мени кўриб қолиб, зор зор йиғлади. "Мен мушук кўмадим, кучук кўмадим, 29 ёшли ўғлимни ерга бердим. Хали тупроғи совумасдан уйини наҳсхонага айлантирибди", деди. Хуллас опа-сингил қўшилишичи "ов" қилади. Ахири ҳамма далилларни йиққач, қўшниларнинг олдида ҳаммасини юзига айтдим-да, талогини бериб юбордим. Гувоҳсиз ҳайдаганимда: "Болалари сиқдирмади", дей-

## ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

иши аниқ эди.

Қўшнилар: "Қизим, эрга текканингда суюнгандик, энди тинчиб кетсин дегандик, лекин яна шу қилигинги ташламабсан-да", - дейишди. Ниқоҳимизни бекор қилган аёл ҳам: "20 йилдан ошқ ишлаб, бунақа ҳолатни кўрмагандим, ўйнашга ишониб, эрсиз қолибсан", деди. Мен унга: "Худо сенга гуноҳларингни ювиш учун имконият берганди. Шу етимларнинг бошини силаб, тавба қилганингда яхши яшаб кетардинг. Аммо сен яна гуноҳ устига гуноҳ қилдинг", дедим.

**- Бу воқеаларга қайнотангиз нима деди?**

- У энди билсам, оиласи учун "ноль" одам экан. Бир кун: "Ахир отамнинг кўзини кўрган эдингиз-ку, қизингизни била туриб, мени куйдирибсиз-а..." дедим. Лекин унга гапим таъсир ҳам қилмади. Демак отанинг оилада ўрни йўқ.

Хуллас, мен у беномусдан кутулдим. Қизимни узатдим. Бир аjoyиб инсонлар билан куда бўлганман. Ўша нопок аёл билан онаси қудамниқига кўнгирак қилиб, менинг ва қизимнинг номимизни қоралашга уринибди. Лекин улар бу бўҳтонлигини жуда яхши билишади.

**- Яхшини ҳам, ёмонни ҳам эл билади. У аёл сиздай жуфтини йўқотиб, бошига қўнган бахт қушини ўзи қалтак олиб қувлабди. Ёш ҳам, чирой ҳам ўтқинчи, эрта бир кун бир оғиз илик сўзга, меҳрга зор бўлиши аниқ. Негаки, ненки хор қилсанг, шунга зор бўласан, деган гап бор.**

Матлуба ШУКУРОВА

**- Бу «Оила ва жамият» тахририятими? - телефон гўшагидан қизнинг овози эшитилди.**

**Шундан сўнг гўшакдан анча вақт овоз келмади. Билдимки, қиз дардини ёришга тортинаяпти.**

**- Сизни нима безовта қилапти қизим?**

- Дардимни айтсам мен билан гаплашгингиз келмай қолар, деб кўрқаяпман. Қаердан кўнгирак қилаётганимни биласизми?

**- Айтсангиз билман-да.**

- Йўлини йўқотиб, бир фарибгар аёлнинг қўлига тушиб қолган бадбахт қизман. Ҳозир ўша аёлнинг уйдан телефон қилаяпман, тушунапсизми?

**- Ҳаётда ҳар нарса бўлиши мумкин, ўша ерга бориб қолишингизнинг ҳам сабаби бордир...**

- Эндигина мактабни тугатган эдим. Иш излаб, қорхона ва ташкилотларга, хусусий фирмаларга бордим. Охири бир кишининг хусусий фирмасига ишга жойлашдим. Фирма у кишининг номида бўлса-да, ишни асосан ўғли бошқарарди. Мен ўша йилгитга қотиба қилиб тайинландим. У жуда келишган ва кибрили эди. Бошданок уни севиб қолганимни пайқадим. Кун билан хизматига бўлардим, уйга боргач, тезроқ тошг отишини ва уни тезроқ кўришни хоҳлардим. Унга чой дамлаб, пиёлага қуйиб, узатиш менинг энг сеvimли машғулотим эди. Бирон иш билан чиройли қизлар унинг олдида келса, ичим гашланарди. Нима ҳақида гаплашаётганини эшитиш учун эшик-



# ЎЎЛЧМЎЧ

# ЙЎҚОТДИМ

## Кўнгиракларингиз...

дан пойлагим келарди, бироқ иложим топилмасдим. Худди ақлу хушим, тани жоним унга қурбонликка аталгандай эди.

**- Унинг муносабати-чи?**

- У бошида бепарво ва беписанд эди. Аввало унинг дидини билиб олдим, сўнгра кийимларимни, сочларимни, юриш-туришимни ўзгартирдим. Хуллас, ўзимда «ўзга» қизни кашф этдим. Тинимсиз парвозагаим, меҳрим билан унинг эътиборини қозондим.

**- Олий маълумотлилардай гапирар экансиз.**

- Чиройли ибораларни ундан ўрганганман. Менга эътиборини қарата бошлаганда энг бахтли қиз эдим. Биз бора-бора у билан пинҳона учрашадиган бўлдик. Уйдагиларим менинг нима иш қилиб юрганымни билмас эдилар. Шундай пинҳона учрашиб юрган кунларимизнинг бирида биз гуноҳ ишга қўл урдик. Ўша «иш» бўлгач, ота-онамни алдаганимга пушаймон бўлдим. Чунки йи-

гит мени никоҳига олишдан бош тортган эди.

**- Хуқуқ идораларига бормадингизми?**

- У мени алдаб, пайсалга солаверди, шу орада олти ой ўтди. Мен ҳеч нарсани исботлай олмадим. Ишимдан айб топиб, мени бўшатишди. У бошқа қизга уйланди, мен эса оёқ остида қолиб кетдим.

**- Сабаби нимада, деб уйландисиз?**

- Адашдим. У сирти чиройли бўлгани билан ичи чиройли эмас экан. Ёш қиз эдим, хор қилиб, мени азобга қўйди. Қўлим калталигини билиб, шу ишини қилди.

**- Ўзингизни айбдор ҳисоблайсизми?**

- Ҳа, уни мен севдим, у эмас, лекин менда кўнгили бўлмаса, бу ишни қилмаслиги керак эди. «Истаганингни олдинг мендан», - деди. Бу гапи менга алам қилди ва ундан ўч олмоқчи бўлдим. Ҳозир уйлаб қарасам, шу ерда катта хатога йўл қўйган эканман. Чунки «қасос олиш» бандасига хос нарсас эмас экан. Ноламни Худога айтиб, сабр қилиб турсам, йўлимни топиб кетардим...

**- Нима иш қилиб қўйдингиз?**

- Пойтахтдан келган бир аёл билан танишиб қолдим ва унга дардимни айтдим. У аёл «қўли узунлигини айтиб, ўчимни албатта олиб беришини ваъда қилди.

«Тижоратга кетаяпман», деб уйдагиларни яна бир бор алдаб чиқиб кетдим.

Уйдагиларим бошлиқларни яна бир бор алдаб чиқиб кетдим.

Уйдагиларим бошлиқларни яна бир бор алдаб чиқиб кетдим.

Уйдагиларим бошлиқларни яна бир бор алдаб чиқиб кетдим.

Уйдагиларим бошлиқларни яна бир бор алдаб чиқиб кетдим.

Уйдагиларим бошлиқларни яна бир бор алдаб чиқиб кетдим.

Уйдагиларим бошлиқларни яна бир бор алдаб чиқиб кетдим.

Уйдагиларим бошлиқларни яна бир бор алдаб чиқиб кетдим.

Уйдагиларим бошлиқларни яна бир бор алдаб чиқиб кетдим.

Уйдагиларим бошлиқларни яна бир бор алдаб чиқиб кетдим.

Уйдагиларим бошлиқларни яна бир бор алдаб чиқиб кетдим.

Уйдагиларим бошлиқларни яна бир бор алдаб чиқиб кетдим.

Барно РУСТАМОВА

Мен Насибохоннинг надоматларини икки марта ўқиб чиқдим. Биринчисида, худди қисса ўқийгандай воқеалар гирдобига шўнғиб кетдим. Иккинчисида эса "қалби тошга айланиб", ўзини дунёда энг бебахт ҳисоблаётган аёлнинг нега шу кўйга тушганини "тафтиш" қилдим.

ни ҳам беркитмай ётса? Синглингиз билан эрингиз сизни, «Тўйдан келса, бизнинг ҳолатимизни кўрсин», - деб атайлаб эшикларни очиб қўйишганми? Синглингиз-кундошингиз сизнинг покиза тўшагингизни булғаб, уйингиздан шарпадек чиқиб кетади-ю, сиз томошабин бўлиб туравера-

"Бир тошга айланганман..." 8-сон

**ЭСАЛАТМА:** Насиба бир гал курортга, кейинги сафар шаҳарга тўйга бориш сабабли уйлаа синглисини қолдириб кетади. Шу орада синглиси билан эрининг ўртасида ишқли муносабатлар пайдо бўлади. Ҳаёт зарбаси Насибанинг қалбини тошга айлантиради.

Муаллиф: ГУЛБАШАКАР

Насибанинг дил изхорини ўқиган ҳар бир муҳлис ўзича ҳукм чиқаради, албатта. Қишлоғимизда анча йиллар олдин бўлган бир ҳолатни келтирай...

Бир неча фарзандли бир киши қайсинглисининг номусига тегиб кўяди. Жувоннинг бўйида бўлиб қолади. Хотини буни сезса-да, оила тинчлигини ўйлаб, сирни ошкор этмайди, ҳатто, эрининг юзига ҳам солмайди. Қиз-

га талоқ беради. Биз шу ерда "уч талоқ" хусусидаги масалага тўхтаб ўтишни жоиз топдик.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг тавсияси билан чоп этилган "Динда савол бор" китобида шундай ёзилган: "Икки хил талоқ бор. Бири раъжий талоқ, иккинчиси боин талоқ. Боин талоқ кичик боин ва катта боин талоқларга бўлинади.

1. Раъжий талоқ. Раъжий талоқ қилинган хотиннинг илдаси ўтмаган бўлса, никоҳ ҳукмлари бекор бўлмайди. Эр-хотинлик давом этаверади. Эр идда ичидида хотини рози бўлмаса ҳам, никоҳни янгиланмай, у билан эр-хотинликни давом эттиришга қайтиши мумкин. Аммо идда ўтиб қолса, хотин эридан ажралган бўлади. Бу ҳолда фақат хотин рози бўлса, никоҳни янгиланмай, сўнг эр-хотинликни давом эттириш мумкин.

"Сен талоқсан", "Сени талоқ қилдим" каби талоққа очик далолат қилувчи иборалар билан раъжий талоқ тушади...

2. Кичик боин талоқ. Эр жанжаллашиб турган хотинига "бор кет", "қўзимга кўринма", "уйингга кет" каби талоқдан киноя бўлган сўзларни айтиб, талоқни ният қилса, боин талоқ тушади...

Кичик боин талоқ никоҳ ҳукмларини бекор қилади. Урталарига кичик боин талоқ тушган эр-хотин никоҳни янгиланмай, сўнг эр-хотинликни давом эттиришлари керак.

3. Катта боин талоқ. Уч талоқ ё учинчи талоқ катта боин талоқдир. Катта боин талоқ "талоқу бат" (қайтариб бўлмас талоқ) деб ҳам айталади.

Катта боин талоқ қилинган хотин эрига ҳаром бўлади. У бошқа эр билан шаръий никоҳдан ўтиб, турмуш қуриб, келишолмай ажралса ё иккинчи эри ўлса, иддаси туғанидан сўнг биринчи эрига қайта никоҳланиши мумкин, холос.

Демак, уч талоқ (катта боин талоқ)қа учраган Насиба Исқандар билан қайта ярашиб, турмуш қуришга ҳақли эмас.

**Тиллабек МИРЗААХМЕДОВ,**  
**Оққўрғон тумани,**  
**Эски Олимпент қишлоғи.**

# ҲАЁТ ДАВОМ

Фикр-мулоҳазаларимни Насибохоннинг ўзига айтмоқчиман.

Насибохон! Қани, яқинроқ келинг, бир хасратлашиб олайлик. Ахир, одам тафтини одам олади, дейишади-ку.

Мен олий маълумотли ўқитувчи, йигирма йиллик меҳнат стажига эга, ўғил-қиз ўстириб, элга қўшган, паст-баландни кўрган аёлман. Сизнинг 10-15 йиллик "саргузашт" ларингиздан воқиф бўлдим. Бир зиёли, таълим-тарбия посбони сифатида танбеҳ берсам, олдиндан узр сўрайман, оғир олманг.

Авалло, сиз ҳуқуқшунос-сиз, нотариус бўлиб иш бошлагансиз. Аммо негадир бу масъулиятли касбингиз тўғрисида бирон ерда бир оғиз сўз айтмайсиз. Оилангиз ҳақида ҳам маълумлик бор. Онангиз, опангиз ва синглингиз, сизни дунёга селтирган отангиз ҳақида лом-ним демайсиз.

**Энди руҳсатингиз билан турмуш сўкмоқларида сиз йўл қўйган хатоларни очигина уриниб кўраман:**

1. Сиз ўзингиз ёлғиз курортга жўнайсиз-у, рўзгор кўрган синглингизни уйингизга оқоч қилиб қўйиб кетасиз.

2. Тошкентга тўйга қиз уза-тиб сиз борасиз-у, синглингизни ўзингизга ҳамроҳ қилиш ўрнига уни уйингизда қолдириб қистайсиз. Ахир курортдан келганингизда бу уйда нимадир бўлганлигини сезгандингиз-ку!.. Яна синглингиз ҳақида гапириб: "У ҳам кўзлари чарақлаб рози бўла қолди", дея коса тағида ним косага ишора қиласиз.

3. Тўйдан кечаси қайтиб келиб, эрингизни синглингиз билан ётган ҳолатида ушлаганингизга рости, ишонмадим. Бирорта ўзбек хонадони йўқки, кечаси дарвозани ҳам, уй эшиги-



# ЭТАДИ...

сиз?! Кейин эса эрингизга ташланасиз, эвазига тарсаки ейсиз. Даъвогар сушт келса, қози муттаҳам бўлгани шу-да.

4. Сиз хиёнаткор сингил ва эр бўёқда қолиб, гуноҳсиз, беозор ҳилқат Анварни итга талатасиз.

5. Уч олиш учун қилган тел-баларча бу хатти-харакатингиз сизнинг феъл-атворингизни белгилайдиган ойна десам тўғри бўлармикан?! Сиз курашининг энг ношуд ва нобакор йўлини танлагансиз.

Энди сизнинг бошингизга тушганга ўхшаш бир воқеани айтиб берай. Шаҳримиздаги бир оилани биламан. Эри ишлаш учун Россияга кетади. Ораддан уч-тўрт ой ўтгач, хотинига пул жўнатиб: "Мен боргунча уйлари таъмирлатинг", - дейди. Аёл эрининг укаси Сирожга боради. У яхшигина уста бўлиб, бўёқчилик ҳам қўлидан келарди.

Сирож ишга киришади. Ораддан бир хафтала ўтгач, у кечки овқатдан сўнг ароқ ичади, уйига кетмай, шу ерга жой қилиб беришини илтимос қилади. Нияти бузилган қайни кечаси келиноийсининг ётоғига қиради...

Имон-эътиқодли бўлган аёл шу заҳоти ўрнидан туриб кета-

ди ва қайнукасининг қабиҳ ниятини пайқаб, болаларини уйготлади, ўзи эса икки ён кўшинини қақриб, бўлган воқеани уларга айтиб беради. Кўшилари устани айб-сайиб қилишиб, уйига жўнатиб юборишади. Акаси келгач, ишни бир ёқлик қилмоқчи бўлишади.

Хатосини тушуниб етган ука акасига рўбарў бўлишга юзи чидамай, уйдан бош олиб чиқиб кетади.

Насибохон, бўлар иш бўлиб ўтибди. Эрингиз жавобингизни берибди. Энди эркин қушсиз. Лекин бу "ресторандан сархуш чиқиб, амалдор киши"нинг ноғорасига бемалол ўйнай беринг, дегани эмас. Энди икки болангизнинг бахти учун курашасиз. Ўзингизни қўлга олинг. Қаддингизни тик тутиб, атрофга назар ташланг. Одамлар яшаяпти, қуёш чиқиб, ботаяпти, ой тўлишаяпти. Бева қолган аёл дунёда биргина сиз эмас! Сизга яшаш учун курашининг иккинчи доवони бошланди. Бу довоннинг пасту баландидан ўтишда сизга сабр-тоқат, мустаҳкам имон тилайман.

Ҳаёт давом этади...

**Фотимахон УРАИМОВА,**  
**Асака педагогика коллежи**  
**амалиёт таълими декани.**

# АЙБ ЎЗИНГИЗДА

Наргисхон, ўзингиз хомилини олдириб, жуда катта хато қилгансиз. Хомилини олдириш Курьолани Каримда қотиллик ҳисобланади. Бир ўйлаб кўринг-а, болани Худо берган бўлса, гуноҳи нима эди? Болани олдириш Худога қарши боришдир. Энди бу хотини, гуноҳини қиёшга ҳаракат қилинг. Атрофингиздагиларга меҳр-оқибатли бўлинг. Доим бир қўлингиз садақа, гарибларга эҳсон беришдан чарчамасин.

"Бу ишқ бахтми, қулфат?" - 37-сон.

**ЭСАЛАТМА:** "Фарҳодни қатмтиқ севганим учун тўрт оилак боланим олдиришга кўнаим. Институтни битиргач, тўйимиз бўлади. 5 йилдирки бизни Оллоҳ фарзандан қисса. Қайнонам "Агар туғмасанг сени ушлаб туролмайман", деяпти. Мени эса эримдан ажралгим йўқ."

Адиба УМИРОВА

Мен Наргиснинг оху фиғолларини, пушаймонларини ўқидим. "Гар икки нафсинг бўлса голиб, жасадинг ҳар ерда кетар қолиб", деганларидек нафс инсонни бебурд қилади, юзини ерга қаратади.

"Аёл-уйимиз фариштаси, фарзанд оила риштаси", деганларидек оилани сақлаб турувчи, уни барқ уриб гуллатувчи фарзанддир.

Наргис, сизга бир маслаҳат. Сиз 2-3 болали, хотини вафот этган йигитга кўнгли боғланг, етимларга меҳр бering, суйинг, ажаб эрмаски янги эрдан фарзанд кўрсангиз.

**Нурбек РАҲИМ,** Фаргона.

Дил изхорини уч марта ўқиб чиқдим. Дилим нафратларга тўлди. Шундай ҳолнинг келиб чиқишига воқеа иштирокчилари бўлган барча кишилар айбдордир. Аввало сиз, Насиба, ўз ҳузурингизни ўйлаб, эрингизни, болаларингизни синглингизга ташлаб кетишингиз энг катта хатоингиздир.

Аёл билан эркак ёлғиз қолса, ўртада шайтон борки, буларни ёмон йўлга бошлайди. Шарм-ҳаё нималигини билмаган синглингиз эрингизга ўйнаш бўла қолган. Сизнинг ярали қалбингизни эрингиз итга қилишга мажбур этган.

Махалла-қўйдан, қариндошлардан уялгани учунми, онангиз бетида никоҳ қийиб, икки қизи ўртасида кундошлик нафратини орттирган. Катта

қизингиз болаларини, унинг рашқ ўтида ёниб яшанини ўйламаган. Умрингиз яраланган бир қўшдай ўтишга онангиз сабабчи. Синглин-барча эрингиздан ўғил фарзанд кўрган. Сиз синглингизнинг эрингиздан туғилган ўғли келганида, панжарадаги итни очиб юборгансиз.

Насибохон, бардошли бўлиш кучли инсонларнинг иши. Энди ўзингизни қўлга олинг!

Халқ ҳам, гап-сўз қилувчилар ҳам бир кун ҳақиқатни билар, сизни тушунар. Ҳамма нарса уни унутиш учун ҳаётингизни меҳнатга бағишланг. Тош бўлманг, юмшан!

**Ғайнижамол АБДУЛЛА**  
**қизи,**  
**Тошкент шаҳри.**

ТАБРИКЛАЙМИЗ



**Мехрибон**  
бувижонимиз  
**ТОЖИГУЛ** ая!  
Сизни муборак 55  
баҳорингиз билан  
табриклаймиз.  
Сизга узоқ умр,  
сиҳат-саолатли  
лик тилаймиз.

Набираларингиз Сарвар,  
Маъруфжон, Фарангиз.

Хурматли устозимиз  
**Абсоат Тўраев!**

Туғилган кунингиз  
билан чин қалбимиздан  
муборакбод этакимиз.  
Сизга узоқ умр,  
сиҳат-саолатлик,  
ишларингизда ривож  
тилаймиз.

Шогирдаларингиз Фотима, Лола, Норкул,  
Мустафо, Лола, Дилбар, Абдоалли, Худойёр.



**Қадрли дугонам**  
**ДИЛАРАБО!**  
Туғилган кунинг  
билан табриклайман.  
Водданг, падаринг  
ҳамада бизнинг  
бахтимизга омон бўл!

Курсдошинг  
Хулқар Фармон қизи.

**Дилбандимиз**  
**ДИЛНОЗАХОН!**

Таваллау айёминг билан  
табриклаймиз. Қалбингдаги  
орзу-умидлар ушлашини,  
иқболинг балана бўлишини  
тилаймиз.

Отанг Шухрат, онанг  
Мавжуда, сингилларинг



Наргиза, Мухайё.



**Хурматли Ободон ая**  
**ҚОДИРОВА!**  
Сизни туғилган кунингиз  
билан самимий табриклаймиз.  
Ҳаётингиз қувончли  
кунларга бой бўлсин.  
Қизларингиз Улхон,  
Юлдаз, Умида, Барно,  
Марзия, Дилфуза.

**Онажонимиз**  
**РАҲИМА**  
**АЗИЗОВА!**

Сизни табарруқ 70  
ёшингиз билан қутлаймиз.  
Фарзандларингиз ва  
невраларингиз камолани  
кўриб юринг.  
Қизингиз Дилфуза,  
куёвингиз Босит ва невараларингиз.



**Азиз фарзандимиз**  
**РАҲМАТУЛЛОХ!**  
Таваллау кунинг  
билан муборакбод  
этиб, сенга соғлиқ,  
узоқ умр, бахт-саолат  
тилаймиз.  
Дадаиғ Носир,  
аянғ Муяссар.

**Мехрибон қизимиз**  
**РАЪНОХОН!**

Туғилган кунинг билан табриклаймиз.  
Узоқ умр, бахт-саолат тилаймиз.  
Дадаиғ Узакбой, онанг Шаргул,  
ака-опаларинг, келиннинг Зухра,  
укаиғ Расул ҳамада сингилни Нышангул,  
Қорақалпоғистон Республикаси  
Шуманай тумани.

Азиз жиянимиз Камолалдин  
**ЗУХРИДДИН** ўғул!

Кутлуғ кунинг муборак бўлсин! Тинчлик,  
омонлик, бахт-саолат, омад ҳамисиз  
сенга ёр бўлсин. Узоқ умр тилаймиз.  
Холанг Марҳаб ва поччанг Раҳматилла.

Синфдошларим Эркин **АБДУЛЛАЕВ**,  
Муҳаббат **ҲОЖИМАТОВА**, курсдош  
дугонам **ОМИНА ОЧИЛОВА**ни кутлуғ 50  
йилари билан муборакбод этакимиз!

*Тарқ этмасин сизни қувончу шодлик,  
Зафарлар, садоқат, бахт ҳам саодат.  
Соғлиқ деб аталмиш тенги йўқ бойлик,  
Дилдаги орзулар, сўнмас муҳаббат.*

Хурмат ва эҳтиром ила **Замира**  
**Бурганова**.

**Хурматли Нафисахон АГЗАМОВА!**

Таваллау топган кунингиз билан чин қалбимиздан табриклайман. Сизни гўзаллик ва нафосат ҳеч қачон тарқ этмасин. Ҳаётингиз қувончли кунларга бой бўлсин.


Отангиз **Насиба**.

**Дўстимиз**  
**Боғибек ХОЛБОЕВ!**


53 баҳорингиз билан табриклайман.  
Фарзандлар роҳатини кўриб юринг.  
Дўстларингиз номдан **Куронбой**  
**Отанов**.



**Азиз неварам**  
**МОХИНУРХОН!**  
1 ёшинг муборак!  
Бахтимизга соғ-саолат  
уйнаб-қулаб,  
ота-онанг орзу қилган  
дек фарзана бўлиб  
ўтсин. Камолдингни  
қуриш nasib этсин.




Бувижонинг **Матлуба Юлдашева**.  
Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани.



**Хурматли Баҳромбек ДУСТМЕТОВ!**  
Сизни таваллау айёмингиз билан  
чин юракдан қутлаб, соғлиқ ва сер-  
мазмун умр тилаймиз. Чеҳрангизни  
ҳеч қачон табассум тарқ эт-  
масин.

Куронбой **Отанов**.



**Қадрли НАСИБАХОН!**  
Таваллау кунингиз билан қутлайман.  
Ҳар доим кўзимизнинг қувончи,  
қалдимизнинг суянчи бўлиб юринг. Сиз-  
га соғлиқ, ишларингизда муваффа-  
қиятлар тилайман.

Отангиз **Муяссар**.

**Дикқат! ЯНГИЛИК!**  
«FAYAN TRANS» масъулияти чекланган жамияти Россияда ишлаб чиқарилган:  
1) Гўшт ва сут маҳсулотини қайта ишлаш учун мини (кичик) заводлар;  
2) Мева ва сабзавотларни қуритиш учун ускуналар;  
3) Нон ва макарон маҳсулотларини ишлаб чиқариш ускуналарини таклиф қилади.  
Ҳисоб-китоб пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.  
Тел: 154-85-85; 117-46-86

**«ЎКТАМХОН»** замонавий ўқув маркази курсларга таклиф этади:  
1. Тикувчилик - 3 ой. Бошловчилар 6 ой.  
2. Ҳамширалик - 6 ой. 4 ой ўқиш, 2 ой амалиёт.  
3. Тиббий массаж - 2 ой (амалиёт билан)  
4. Торт ва пишириқлар - 2 ой.  
5. Пишириқлар олий курс 1 ой.  
6. Уйғурча таомлар ва салатлар - 1 ой.  
7. Сартарошлик - 3 ой (аёллар учун).  
8. Парда ва чойшабар - 1 ой (амалиёт 6-н).  
9. Сартарошлик - 2 ой (ўғил болалар учун).  
10. Кашгачилик - 3 ой. (машиқада вишивка).  
11. Инглиз тили - 3 ой.  
12. Рус ва турк тиллари - 3 ой.  
13. Бисер тикиш - 2 ой (яъни муноқ тикиш).  
14. Компьютер сабоқлари - 2 ой яқка тартибда. Интернет - 1 ой.  
15. Бухгалтерия ҳисоби-2 ой.  
16. Сунъий гул ясаш-2 ой.  
17. Астарли костюм-плаш, пальто-1 ой.  
18. Тўй ва оқшом либослари тикиш.  
Ўқишни тугатганларга **ДИПЛОМ** берилади. Ўқишга қабул ҳар куни.  
Манзиллимиз: Юнусобод тумани, 3 мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод базори орқасида. Тел: 125-97-93, 121-77-72, 21-17-95.

**ОНА АЙИҚНИНГ МЕҲРИ**  
Куннинг ёмғирли оқшомларидан бирида уйимизга Расулмат овчи келди. У отамни кўргани бир халта ёнғоқ олиб келибди.  
- Кеча ёнғоқзорга бориб, тўкилган ёнғоқлардан териб келмоқчи бўлдим, дея сўз бошлади у. - Бир-иккита қоп олдим. Қоянинг олдидаги сайхонлик текис бўлиб, бир неча ёнғоқнинг шигил хосили кўришни турарди. Белимдаги нонларни, қопимни ерга қўйиб, сершоҳ ёнғоққа тирмашдим. Унинг ўртароғига етганимда қулоғимга қандайдир овозлар ва қуруқ шохчаларнинг шитирлаган овози эшитилди. Пастга қарасам... Каттагина кўнғир айиқ болачаси билан наридаги дарахт остида тўкилган ёнғоқларни чакиб, "пуф-пуф"лаб юришибди. Қўрққанымдан қотиб қолдим.  
- Э, Оллоҳ ишқилиб, мени сезиб қолмасин-да. Бўлмаса, чиқиб, бурдалаб ташлайди, - деб илтижо қилардим. Шу пайт ердаги ёнғоқлар тугади шекилли, дарахт тирмашиб чиқа бошлади. У дарахтнинг учига чиқиб шохларни силкитиб ёнғоқ қоқа бошлади. Тўкилаётган ёнғоқлар боласининг белига, бошига тегади. Биттаси тумшугига тегди шекилли, айиқча қаттиқ гингшиб юборди. Она айиқ дарахтни силкитишдан тўхтади, пастга туша бошлади. У ерга тушиб, гингшиганча ёнига югуриб келган болачасини ялаб-юлкади. Кейин у ёқ-бу ёққа аланглаб, айиқчани тишлаб каттароқ бир тошининг олдида борди. Айиқчани тош остига бостириб қўйгач, яна ёнғоққа ўрмалади. Шохларни роса силкитди. Она айиқ ерга тушгач, панжалари билан уриб-уриб ёнғоқларни ўртага тўплади. Сўнг боя тошга бостириб қўйган боласининг олдида келди. Тошни сурди-да, болачасининг туришини кутди. Айиқча турмади. Уни тошининг оғирлиги босиб ўлиб қолган эди. Айиқ боласини тишлаб силкитди. Ерга қўйиб хидлади. Тумшуги билан туртди. Шунда ҳам боласи туравермагач, икки оёқда туриб, тоғу тошни ларзага солиб ўқирди. Ерга думалади. Анчагача жим ётди-да, кейин уни тишида тишлаб олганча қоялар орасига кириб қўздан

ғойиб бўлди.  
Атроф жим-жит, фақат ҳар замонда ёнғоқ чўқийтган ҳаққаларнинг жигиллашигина эшитиларди. Тушдан ҳам ўтди. Мен ҳамон дарахт устида ўтирардим. Уюшиб қолган оёқларимни аранг ҳаракатга келтириб, ерга тушдим. Бечора она айиқ тўплаган ёнғоқларни белимдаги халтага йиғиб солдим. Мен отимни қолдирган жойимга боришим керак. Уни айиқ гажиб ташладимми-кан? - деган хавотирда эдим. Бунинг учун эса тубсиз жарлик устига илингандек осилиб турган қоянинг остидаги ёлғизоёқ сўмюк йўлдан пастга тушишим керак эди. Атроф-теваракка аланлаганимча пастга тушардим. Энди қоя остидан ўтган йўлга етганимда, нақ тепамдан ғазабанок айиқнинг ўқириши эшитилди. Жойимда қотиб турарканман, тилим қалимага келмади. Таваккал қилиб йўлимда давом этдим. Сўмюқнинг охирига етганимда, тепадан шувиллаб нимадир тушди. Гуп этган овоз чиқди-да, сукунат чўмди. Ёмғир ҳам аста шиваллаб бошлади. Уша нарсга тушган жойга югурдим. Ё, тавба! Буталар орасида боя мен кўрган она айиқ боласини тишлаб олганча ўлиб ётарди. У боласининг ўлимига чидай олмаган кўринади. Ўлик боласини тишлаб юриб унинг қимирлашини кутган, шекилли. Охири унинг ўлимига ишониб, бунга чидай олмасдан баланд қоядан пастга ташланибди. Унинг олдида анча турдим. Очиги терисини шилиб олсам анча пул бўларди. Лекин шу гал унга тегадим. Яқинроқдаги чуқурга аранг судраб бориб, она-боло айиқни ёнмаён ётқизиб, устини тошлар билан беркитдим. Шунча йиллардан буён хайвонларни овлаб келаман, лекин кечаги воқеа менга қаттиқ таъсир қилди, - дея сўзини тугатди овчи.

**Ажойиб-ғаройиб**

Боришим керак. Уни айиқ гажиб ташладимми-кан? - деган хавотирда эдим. Бунинг учун эса тубсиз жарлик устига илингандек осилиб турган қоянинг остидаги ёлғизоёқ сўмюк йўлдан пастга тушишим керак эди. Атроф-теваракка аланлаганимча пастга тушардим. Энди қоя остидан ўтган йўлга етганимда, нақ тепамдан ғазабанок айиқнинг ўқириши эшитилди. Жойимда қотиб турарканман, тилим қалимага келмади. Таваккал қилиб йўлимда давом этдим. Сўмюқнинг охирига етганимда, тепадан шувиллаб нимадир тушди. Гуп этган овоз чиқди-да, сукунат чўмди. Ёмғир ҳам аста шиваллаб бошлади. Уша нарсга тушган жойга югурдим. Ё, тавба! Буталар орасида боя мен кўрган она айиқ боласини тишлаб олганча ўлиб ётарди. У боласининг ўлимига чидай олмаган кўринади. Ўлик боласини тишлаб юриб унинг қимирлашини кутган, шекилли. Охири унинг ўлимига ишониб, бунга чидай олмасдан баланд қоядан пастга ташланибди. Унинг олдида анча турдим. Очиги терисини шилиб олсам анча пул бўларди. Лекин шу гал унга тегадим. Яқинроқдаги чуқурга аранг судраб бориб, она-боло айиқни ёнмаён ётқизиб, устини тошлар билан беркитдим. Шунча йиллардан буён хайвонларни овлаб келаман, лекин кечаги воқеа менга қаттиқ таъсир қилди, - дея сўзини тугатди овчи.  
**Басира САЙДАЛИЕВА.**

**КҮЙ (21.03 — 20.04).** - Молиявий масалаларда муаммоларингиз бўлмайди. Ҳафтанинг иккинчи ярмида сафарга чиқшингиз эҳтимоли бор.  
**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Юлдузлар ишларингиз «беш», кайфиятингиз эса аъло даражада бўлишидан дарак беришмоқда.  
**ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).** - Оқибатини уйламай қарорлар қабул қилишдан эҳтиёт бўлинг. Жумада сизни кўнгилли учрашув кутмоқда.  
**ҚИСКИЧБАҚА (22.06 — 22.07).** - Бу ҳафта оила аъзоларингиз билан кинога, театрга, оромгоҳларга бориб дам олинг. Кейин бошингиз билан ишга кўмилиб кетадиганга ўшаб турибсиз.

МУНАЖЖИМЛАР

**АРСЛОН (23.07 — 23.08).** - Қалбингизга муҳаббат ошён қуради. Ҳафта давомида сирли ҳислар оғушида сармаст бўлиб юрасиз.  
**БОШОҚ (24.08 — 23.09).** - Раҳбарият билан келишимчиликка бориб қилишдан эҳтиёт бўлинг. Бу режаларингизни издан чиқариб юбориши мумкин.  
**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10).** - Сешанба кuni соғлигингиз безовта қилиши мумкин. Жумадаги нохуш хабар дилингизни хира қилади.  
**ЧАЁН (24.10 — 22.11).** - Душанба кунги учрашув бир неча ҳафталик иш режаларингизни қайта кўриб чиқшингизга сабаб бўлади.

БАШОРАТИ


**ЎКОТАР (23.11 — 21.12).** - Шу ҳафта иш билан боғлиқ жиддий таклиф оласиз. Ўйлаиб ўтирсангиз, имкониятнинг қўлдан бой беришингиз мумкин.  
**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01).** - Ҳафта давомида ишхонангизга келган тафтишчилар билан овора бўласиз. Фақат жума кунига бориб енгил тин олишингиз мумкин бўлади.  
**КОВФА (21.01 — 18.02).** - Фарзандларингизнинг соғлиғи билан боғлиқ муаммолар сизни анчагина ташвишга қўяди.  
**БАЛИҚ (19.02 — 20.03).** - Барча ишларингиз хамирдан қил суғургандек осон ҳал бўлади. Ҳаёт уммонида балиқдек енгил сузасиз.



Aziz bolajonlar! Siz ham chizgan rasmlaringiz va yozgan ertaklaringizni o'z suvratigiz bilan birga bizga jo'natib. Yoshingiz va nechanchi sinfda o'qishingizni ham yozishni unutmang. Rasmlaringizni oq qog'ozga chizing. Xatlaringizni kutamiz!



Suratlar muallifi:  
Bahodir BUVAYEV,  
Toshkent shahar,  
Sobir Rahimov tumani,  
242-o'rta maktabning  
6 «d» sinf o'quvchisi.



(Давоми. Боши ўтган сонда)  
- Мен яхши қизларнинг орзусиман!  
- дебди нуроний хола. - Қани мен ўргатган ҳаракатларни такрорла-чи.  
Хафизахон нуроний хола ўргатган ҳаракатларни такрорлабди. Аввал осмондан уч гилдиракли аравача тушибди. Аравача ичидан икки қути музқаймоқ чиқибди. Тўсатдан нуроний хола ғойиб бўлиб қолибди. Хафизахон қутчалардаги музқаймоқлардан бирини еб кўрган экан, ё тавба ростмана музқаймоқдан ҳеч қолиш-масмиш. Демак, туш кўраётганим йўқ экан, ҳаммаси ўнгимда бўлаётган экан-да, деб ўйлабди Хафизахон. Музқаймоқдан яна битта еб кўрибди, вой, буниси олдингисидан ҳам маззалироқ эмиш. Аравачани учуриб, дарахтлар остида улаб ётган укаларнинг олдига олиб борибди. Бир челақ музқаймоқ чиқариб, укаларига биттадан улашибди. Улар музқаймоқни еб бўлишиб, "яна, яна", деб сўрашармиш. Хафизахон, демак тушим эмас, ўнгим экан, деб ўзида йўқ севиниб, гилдиракли аравачасини учуриб, нариги пайкалларда сабзи, пиёз



дан қишлоққа ўтиб, кўча берибди. Ҳар хил тахминлар ҳам кўпая берибди, нима дейсан, Хафизахоннинг онаси осмонда яширинча музқаймоқ цехи очибди, нима дейсан, осмондаги фаришталар Хафизахоннинг уйига челақ-челақ музқаймоқ ташлаб кетаётганимиш, нима дейсан, учар ликопча одамлари келиб, қишлоқ болаларини ўзларига ўргатиб олиш учун сеҳрли музқаймоқлар улашаётганимиш. Хуллас, мана шунақа гаплар

## ОСМОНДАН



## МУЗҚАЙМОҚ

## ЁҚҚАН КУН

ўтаётган ўртоқларининг олдига жўнабди. Ўртоқлари исиб кетгани учун ишни тўхтатиб, катта толларнинг соясига салқинлашиб, бир-бирининг қошига ўсмалар қўйишиб, бир-бирининг биқинидан чимдалашиб, қиқирлашиб, кулишиб дам олишаётган экан, Хафизахонга кўзлари тушиши билан:  
- Вой, ўртоқжон, қаёқдан пайдо бўлдинг? - деб чувиллашибди.  
- Осмондан тушдим, - дебди Хафизахон. - Сизларга музқаймоқ олиб келдим. Қизлар: "Ҳаммаси бизларгами?" - дейишибди-ю, ўсма сиқиб ўтирган пиёлаларини ҳар томонга отишиб, челақдаги музқаймоқларга ёпишибди. Челақ ҳам сеҳрли эканми, ейишармиш, таги кўринмасмиш, ейишармиш, таги ҳеч тугамасмиш. Тинмай сахий, саҳоватли дугоналарини мақташармиш. Ҳатто биттаси: "Хафизахон, Худо хоҳласа тўйингда тонг отгунча чилдирма чалиб, ҳаммани ўйнатаман", деб музқаймоқ юки лаблари билан бетларидан чўлпиллатиб ўпиб-ўпиб олибди.  
Уша кунни Хафизахон қишлоқнинг дашт қисмидаги барча болалар, қизларни музқаймоққа роса тўйдирибди. Уша кундан бошлаб, уч гилдиракли сеҳрли аравача, осмондан тинмай ёғилиб турган музқаймоқлар ҳақидаги овозалар, миш-мишлар қишлоқ-

кўпайганда нуроний Хола кўпаяверибди. Турман ички ишлар бўлимида ғоят хушёр, ғоят зийрак, ғоят тадбиркор амакилар ишлар экан. Улар тезлик билан ишга киришиб, музқаймоқлардан намуналар олиб, анализ қилдира бошлашибди. Ҳеч камчилик топиша олмабди. Шаҳардаги цехларда тайёрланадиган музқаймоқларга қараганда қаймоғи ҳам, шакли ҳам мўлроқ эмиш. Ҳатто, бошлиқ ўша музқаймоқлардан биттасини еб ҳам кўрибди. Йўқ, камчилик тополмабди. Лекин Хафизахонни сўроқ қилиб кўрибди:  
- Цехим йўқ, - деб жавоб қайтарибди Хафизахон.  
- Музқаймоқларни қаерда тайёрлайсан? - сўрабди амаки.  
- Осмонда тайёрланади, - дебди Хафизахон.  
- Ёлгон гапирма, осмонда булутдан бошқа ҳеч нарса бўлмайдди.  
- Бор, - дебди Хафизахон. - Уша ерда менга ўхшаган қизларнинг яхши ниятлари, покиза орзулари, битмаган армонлари бўлади.  
Шу гапларни айтиб, Хафизахон кўллари билан нуроний хола ўргатган ғалати-ғалати ҳаракатларни такрорлаган экан, осмондан шоқоладли, мевали, сутли музқаймоқлар шунақанги ёғилибдики, кузатиб турган одамлар ханг-манг бўлиб қолишибди. Милиционер амаки ҳам инсофли, ҳам адолатли экан. "Хафизахоннинг ҳаракатида жиноят белгиси йўқ, яхсиси бу ишни «Коинот» илмий текшириш институти ўргансин", - деган қарорга келибди. Хафизахон ҳақ қилган бир челақ музқаймоқни олиб: "Ҳа майли, набираларимга берарман", деб илиққина хайрлашиб кетибди.  
Одамларнинг айтишича, осмондан музқаймоқ ёғилиши ҳалигача тўхтагани йўқ эмиш. Музқаймоқ қанча кўп ёғилса, даштда ишлаётган ўғил-қизлар шунчалик хурсанд бўлармиш.  
**Худойберди ТЎХТАБОВ**

**М**ен қайнона бўлиб, "қайнадим". Охири ёлғиз қолиб, иккала ўғлимни ҳам ажратиб бир уйда ўғлим билан ҳаёт кечираяпмиз. Онамнинг ёлғиз қизи эдим. Жуда эрка, тантки бўлиб ўсдим. Онам мени ёмон бўлиб кетмасин, деб биринчи келган совчиларга розилик берди. Турмуш ўртоғим қўли гул уста эди. Лекин, "Мен онамни ёлғиз ташлаб кетмайман", деб онамнинг уйда эрим билан

ўлимида иккинчи келинимни айбдор ҳисоблаб, уни уришиб кетардим. Бечора келиним гап қайтармасди. Аммо мен унга тухмат қилиб, ўғлимни унга қарши қўйишга ҳаракат қилардим. Иккинчи ўғлим ҳам ичкиликка берилиб, хотинини сўкиб, урарди, мен бундан завқланардим. Сўнг келинимдан аввал эрим, кейин катта келиним алоҳида яшаган уйга кўчиб ўтишини талаб қилдим. Лекин келиним: "Ойи, мен алоҳида қозон

нинг гапларимга ишониб, келинимга уйдан чиқиб кетиши учун 3 кун муҳлат берди. Бу орада келинимнинг отаси келини: "Бу нимаси, қуда? Биринчи келинингиз билан ҳам яшамадингиз, уни ҳайдаб чиқариб, энди менинг қизимга ҳам яшавадиз кун бермаяпсиз. Ўғлингизни қақиринг. Қизим билан яшайдиган шу!" - деганда, мен: "Ҳа, қизингни олиб



ўғлим билан бирга катта ховлида яшаб келмоқдамиз. Иккинчи ўғлимни уйлантираман, деганимда: "Йўқ, менинг икки ўғлим бор, уларнинг юзига қандай қарайман", - деб ишлагани Россияга кетди. Ҳозир катта ўғлим билан бирга яшайяпмиз. Қизимни турмушга берганман. Ҳолимдан хабар олиб туради.

# ҚАЙНОНА БЎЛИБ

яшадим. "Ичкуёв" деган сўзга эрим чидай олмай, ичкиликка берилиб кетди. Ичиб келиб мени урмасди, сўкмасди ҳам. Фақат уйкуга кетарди. Мен бунга чидай олмай, эримнинг жойини бошқа хонага олиб чиқиб, эр-хотин қўшнидек яшадим. Мен 3 фарзандим ва онам билан, у эса бир ўзи... Эрим ичиб келганда, чўнтагидаги ишлаб келган пулларини олиб кўярдим. Эрим ўзига келганда пулни сўрарди. Мен: "Қаердан билай, алоҳида яшасак, сенинг пулинг билан ишим йўқ", деб жавоб берардим.



Ўғилларимни уйлантирганимдан кейин эрим вафот этди. Икки келиним ҳам ўқимишли эди. Каттаси шифокор, кичиги ўқитувчи бўлиб ишлашарди. Катта келинимнинг онаси уйга тез-тез келиб, қизига "ақл" ургатиб кетарди. Уни яъни, катта келинимни эрим алоҳида яшаган уйга бўлак қилиб чиқардим. Онам бечора менга: "Қўйсанг-чи, ахир бир ховлида иккита оила алоҳида яшаб бўлмайди, ундан кўра, бошқа жойдан ховлими, "дом"ми олиб, чиқариб юбор. Бир қозонда иккита қўчқорнинг калласи қайнамайди", - деб кўп айтарди.

# ҚАЙНАДИМ

қайнатмайман, одамлар нима дейди?" - деганда унинг уйига кириб кўрпаларини кўчага улоқтирдим. Келинини алоҳида уйга чиқариб, ошхона, ҳаммомни қулфлаб қўйдим. Аммо ўғлимни ўзим билан қолдирдим. Ўғлим менга қарши чиқа олмасди. Хотинининг тарафини олса, мен: "Ҳа, она топилади, хотин топиламайди-да, а?!", - дердим. Бечора келиним бу шароитда 2 йил яшади. Мен бу орада келиним тўғрисида маҳаллага тухматлар, ҳар хил бўхтонлар тарқатдим. Келиним ҳамма нарсага чидаб юрди. Охири мен маҳалла комитетига чиқиб, келинимни айблаб, уйдан чиқиб кетишини талаб қилдим. Маҳалла раиси ме-

кетолмайсан-да, чунки уйингга сигмайди", - деб бақирдим. Келиним: "Ойи, ахир иккита ўғлим бор. Қаерга бораман?", - деганда: "Ит ҳам туғади, чўчка ҳам туғади! Тугурдим, болаларинг!" - деб уйдан чиқариб ташладим.

Иккинчи ўғлим ичкиликка янада муккаддан кетиб, мени сўкадиган, хотин билан ажратиб қўйганим учун айбдор эканлигимни юзимга соладиган бўлди. Нима қилишимни билмай, катта ўғлимнинг уйига бордим.

Бир кун катта ўғлим хотини билан жанжал қилаётганида мен унга, «Хотинингни уч талоқ қўй», деб, ўғлимни уйимга олиб кетдим. Эндиликда икки

Лекин мен қулоқ солмасдим. Катта ўғлим бундай яшавадиган кўнликмай, дада-сига ўхшаб ичкиликка берилиб. Ичиб келиб, хотинини уриб, сўкарди, мен эса ўғлимнинг ёнини олиб, келинга: "Кет, бу уйдан, онанг сенга "дом" олиб берар", - деб 3 та боласи билан уйдан ҳайдардим. Келинимнинг ота-онаси "дом" олиб беришди. Ниятин ўғлимни ажратиб, ўзим билан олиб қолиш эди. Лекин ўғлим хотинининг "дом"ига кетди. Иккинчи келиним эса 2 фарзандли бўлди. Бу орада онам вафот этди. Онамнинг

Катта ўғлимни уйлантираман десам, (қизлар билан ўғлим учрашади, лекин кейин айниб қолишяпти) ҳеч бир қиз рози бўлмапти. Бир кун ўғлим айтиб келди: "Онаси иккита келинни ҳам ҳайдаб юборган, менга ҳам тинчлик бермайди", - деб уйланадиган қизи рад жавобини берибди.

Энди бошим қотиб қолди. Қандай яшайман? Тўшимга кўп марта онам киради. Эрим ҳам тўшимда қовоқларини солиб, мен билан гаплашмайди.

Ўтган ҳаётим, бўлган воқеалар ҳақида ўйлаб, мулоҳаза қилиб, шунга амин бўлдимки, "қайнона қайнамаса, келин ҳам айнамайди". Эртага мен нариги дунёга равона бўлсам—маъракаларимни ким ўтказайди, уйда келин бўлмаса? Тўғри, қизим бор, лекин унинг ҳам оиласи, эри, болалари бор. Шуларни ўйлаб, кечалари уйқум келмайди. Небараларим ҳолимдан хабар олишмайди. Улар ҳозир катта бўлиб қолишган. Оналарини сигдирмаган, болаларини сигдирармиди, деб ўйлашади.

Энди тобим бўлмай қоляпти. Ўғлимнинг кирини, овқатини вақтида қилиб беролмаяпман. Нимага эришдим? Ҳозирги ҳолимни душманимга ҳам раво кўрмайман. Менга ҳар доим келинларим ўғилларимни мендан тортиб оладигандек туюлаверарди. Балки мен ўлсам, ўғилларим хотинлари билан ярашиб кетар. Келинларимга: "Кечиринглар мени, энди қайтинглар, ярашиб яшайлик", - деб айтгим келади. Лекин бугунги кунда улар ўзлари рўзгорни тебратиб, алоҳида яшаб ўрганишди.

Менинг қайноналарга айтар сўзим: «Келинларга кўп озор берманглар, кўп қийнаманглар, чунки эртага уларнингда чироқ ёқиб ўтирадиган шулар! Тухмат-маломат қилманглар, акс ҳолда мендай вазиятга тушиб қоласизлар. Кўп "қайнамаслик"ка ҳаракат қилинглари!»

**Қайнонанинг "дил изҳори"ни кўшниси ФОТИМА ёзди олди.**

**М**ехри хола билан Эргаш ота кенжа фарзандлари Собирни ҳам уйлантиришгач, енгил тин олишди. Бўлмасам-чи, бешта қизни узатиб, икки ўғилни уйлантириш осонми? Улар ҳали ёш пайтларида иморат бошлашди. Уй кўнгилларидагидек қурилди. Олди кенг айвон, теп-текис, четларига гул эълган ороста ховли...

# ЖАНОЗА ҚҲЧАДА

**Турмуш чорраҳаларида**

# ЎҚИЛДИ...

Олис юртга олиб кетай деса, кўнишмайди. Узининг эса қолишга ҳеч иложи йўқ. Сўнг, ота-онасига маслаҳат солди.

- Ота, нима қиламиз? Мен-ку, бир кун қайтиб келарман, унганга акамникида яшаб турсангизлар-чи?!-дея отасига термулдади. Чол-кампирга жон кирди.

- Айтгандек, Қобилнинг уйи икки қаватли, бунинг устига... Эски уйлари ҳам қутичадеккина. Печкаси, газ-суви ҳам бор. Қишда иссиққина ўтиришайди.

- Эртага оймникига бориб келай. Уйларида лаш-луши бўлса бўшаптиб туришайди. Сизлар юкларни йиғиб турасизлар, - деди. Азонда Қибрайга жўнаган Собир кенча яқин шалпайиб кириб келди. Қобил эски уйини бузмокчиликни айтибди.

- Бузгунча яшаб турсак бўлмасмикан? - дея жавдираб ўғлига термулдади Мехри хола. Йўқ, ўғли кўнмабди. Иккиси эрталаб ўзлари Қобил билан гаплашиб келиш учун отланишди. Афсус, ўғли уларни қовоқ солиб қутиб олди.

Хафсалалари пир бўлиб қишлоққа қайтишди. Уйда Қобил янгилик топиб қўйибди. Дўстининг

уйи бор экан. Фазалкентда. Шуни олмоқчи бўлибди. У кўп қаватли уйдаги 3 хонали квартира экан. Наилхо! Қишқировли кўнларда ўтин-чўлдан, дўқонга чиқшга қўйналик юргандан кўра...

Уч кундан сўнг чол-кампир кўнгиллари вайрон, кўзда ёш билан эшик-деразаларни маҳкамлашиб, ёшлиғу қувончлари, хотиралари мунғайибгина қолаётган қадрдон уй-жойларни тарқ этдилар. Иккинчи қаватдаги шифтидан чакка ўтган, сув чиқмайдиган квартираларига ҳам жойлашиб олишди. Лекин...

Хурсанд бўлишмайди. Собир жўнаб кетгач, аста чиқиб, кўнча айланишди. Бефайз манзара дилларини эзди. Шу тун иккиси ухлашмасди, ухлай олишмади. Тун бўйи қишлоқдаги уйлари эслашди.

Чол экилган дарактларини, кампир эса энди ҳеч ким нон ёлмайди деган тандирини эслаб йиғлашди. Сўнг яна бир-бирини юпатишга тушдилар.

Катта ўғил икки йилда беш марта келди. Қизлари келиб турарди. Соғинчми, бегона жой

ёқмадимми, ўғилнинг беоқибатлиги кўйдирдимми... Мехри хола ётиб қолди. Кўп ётмади. Собир-жонни йўқлай-йўқлай кўзлари очик ҳолда вафот этди.

Катта қизи укасига: - Онамнинг жасади шу қатлақдан чиқадими? Уйинг катта, ҳовлинг бор, сенкига олиб борайлик, жон ука! Маъракаларини ўзимиз кўтарамиз. Сенга оғирлик тушмайди, - деди.

- Бўлмайди-да! Азага келди-кетди... Келинингизга оғир бўлади. У хафа бўлади, кўнмайди бунга, - деди совуққина қилиб. Начора! Мехри холанинг тобутини амаллаб, тик зинадан аранг олиб тушишди. Лекин "дом"нинг ховлиси йўқ, тор йўлақда жаноза ўқишининг иложи бўлмади. Қариялар маслаҳатлашиб, катта кўчага тобутни қўйдирди. Уйдан 100 метр наридаги катта кўчада Мехри холанинг жанозаси ўқилди. Майитни қабрга қўйиб келишгач, катта қиз ука-

сини юмалади. - Кўшқаватли уйингга ўт тушсин! Сенинг олиб кетишингни қутақута онам ўлди, отам ҳам меҳмон. Сен ўша эски уйингни ҳам қизгандинг, уч кун ичида буздириб ташладинг-а? Келиб ётиб олишайди, дедингми?

Бор, кет! Ҳаммасини ўзимиз қиламиз, - дея додлади. Мехри хола амманнинг яқин ўртоғи бўлганлиги учун уларнинг ҳаётидан хабардор эдим. Бу аёлнинг ҳеч кимга, ҳатто келинига ҳам зарари тегмасди. Ўрин-кўрпаларни чамандек гуллатиб қавирди. Гулу райхонлар ўстирарди. Чоли ҳам ҳокисоргина эди. Лекин шугиналар ўз ўғилларининг уйига сифишмади. Беоқибат ўғил эса онасининг ўлигини ҳам қадрламади.

Энди булар унга армон бўлмасмикан? Уч кунда бузиб ташлаган, ота-онасига раво кўрмаган эски уйининг ўрнига яна уй қўриб яйраб яшармикан? Ўз ўғлининг хайҳотдек ховлиси туриб, жанозаси кўчада ўқилган онанинг руҳи чиқираб, тушларига кириб, уни бевозта қилмасмикан?

**ГУЛБАШАҚАР**



Бундан ўттиз олти йил бурун Янгиқўрғон қишлоқларининг бирида дунёга келган “қаҳрамон” и-мига ота-онаси қувониб, яхши истаклар оғушида “Умидаҳон” деб исм қўйганига шубҳамиз йўқ. Минг афсуслар бўлсинки, олдин мактабни, сўнгра институтни битириб, олий маълумот соҳибасига айланган Умидаҳон Фозилова турмуш қуриш илмини эгаллашда нўноқлик қилиб қолибди.

Жиноят ишлари бўйича Уйчи туман суди томонидан чиқарилган, қонуний қуғга кирган ва ижро этилаётган ҳукм асосида ёзилган ушбу хикоя қаҳрамони Умидаҳон Фозилованинг хуфёна

дан ҳам Умидаҳон орзу қилгандан бой-вачча чиқиб қолди. У Наманган шаҳрининг маҳаллаларидан бирида яшовчи Муқимжон Маҳсумов деган пулдорга рўбарў келди. “Эр” аёлга ўзига тегишли бўлган хизмат “Тико”сида чошиб юриб хизмат қилди.

Биринчи “ёстикдоши”дан кўра буниси саҳийроқ чиқишига ақли етган Умидаҳон фурсатни бой бергиси келмай, “Гаҳ десам, қўлимга кўнмай кўр-чи?” - деган фикрда товламачилик “санъати”ни ишга солишни бошлади. Яна худди Адҳамжонга айтган “дийдиё”сини дилидан тилга келтирди. Бу борада у битта ўзи эмасди. Раҳимаҳон опа исмли ҳамтовови

катта суммани олиш учун хийласини ишга солди:

- Нима, сиз уч миллион сўм бериб, қутулиб кетаман, деб юрибсизми ҳали?! Чучварани ҳам санаб-сиз, акахоним. Фарзандингиз билан тинч яшашини ва сизни ортиқча безовта қилишимни хоҳламасангиз бу гал 6.000.000 сўмлик ҳовли-жой сотиб олиб берасиз. Шундай уйни тополмасангиз ўзим толиб қўйганман. Пулини берсангиз бас. Йўқ десангиз... - шармандасини ер билан яқсон қилишга ишора қилган бўлди.

Муқимжон бечора дўсту биродарларидан қарз-қавола қилиб, уни ҳам икки бўлиб олиб бориб ўз қўллари билан топширди. Қаранг-а, бойваччалик ҳам шунчалик бўлса-я!

Ҳаш-паш дегунча бир кишидан 9.000.000 сўмни хе йўқ, бе йўқ унди-

**Бир жиноят тафсилоти**

га қарор қилди. Жуфти ҳалоли Хидоятхон сермулоҳаза, эсли-хушли жувонлиги боис эртанги

қунини, болаларини, рўзғори ривожини ўйлаб эрини тўри тушунди ва кечирди. Қарз берган дўстлари маслаҳати ва Хидоятхоннинг розилиги билан ички ишлар бўлимига мурожаат этишга келишиб олишди. Махсус тайёргарлик асосида бир миллион сўм пулга мевий ишлов берилиб, дориланги, пуларга билинтийрмайдиган қилиб “товламачи” деган сўзни ёзиб Умидаҳон Фозилова белгиланган жойга бориб унга берилди. Тадбир пухта ишланганидан маъшуқа қўлга олинди.

Муқимжон Маҳсумов “суюкли ёр”ининг беш миллион сўм бермаса тинч-маслиги тўғрисидаги сўзларини диктофон ёрдамида ёзиб олгани ҳам хўб қўл келди. Шу ва бошқа далилий ашёлар ҳамда гувоҳларнинг кўрсатмалари билан худбин бир аёлнинг тубан қилишларига барҳам берилди.

Тергов даври ва суд жараёнларида Умидаҳон Фозилова қанчалик ўзини

**УМИДЛАРНИ**

қилиқлари кўламнинг катталиги ҳайратингизни оширмай қўймайди.

Нималар сабаб бўлгани бизга қоронғу-ю, бироқ уч мучал ёшида иккинчи бор судлангунча тўрт нафар фарзанд орттириб, уларни ота меҳридан жудо қилди. Болалари бор оиллага эга-ю, аммо эрчис яшарди. Ана шундай “эркин қуш” ҳолати аёлни чиндан ҳам қатор жиноятлар содир этишга «илҳом»лантирганлиги шак-шубҳасиз.

Бундай нопок йўлни танлаган Умидаҳон 2005 йил ёзининг ўрталарида суднинг қора курсисига ўтирди. Ушанда унга жиноят ишлари бўйича Норин туман суди томонидан уч йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганди. Бироқ унинг аёллиги, қармоғида воёга етмаган фарзандлари борлиги ва уларнинг ўзидан бошқа боқувчиси йўқлигини эътиборга олиб, сийлов тариқасида ўшундай енгил жазо ҳам икки йиллик синов муддатига алмаштирилганди.

Умидаҳон энди олдингиларидан ҳам оғирроқ ва жирканч ишлар қилишда “ижодкорлик” қилди. Синов муддатини ўташ жараёнида судланган Фозилова янги-янги режалар тузиб, уни амалга оширишда жон “фидо” қилди. Умидаҳоннинг қармоғига эса баднафслиқдан ундан қолишмайдиган, “пул топиб, ақл топмаган”, ўткинчи хуш он лаҳзаларнинг гадойлари (бу сўз учун бошқалар мени кечиринсин) бўлган эркаклар илина бошладилар.


Дастлаб унинг тузоғига ўзи туғилиб ўсган Янгиқўрғон тумани Қораполвон қишлоғилик Адҳамжон Аҳмаджонов (бу ва кейинги жабрдайда хушторининг исми ўзгартирилган) илинди. Бу “ошиқ” ҳамюрти Умидаҳонни атиги бир мартагина ўзининг “Москвич” автомобиллида унинг уйига ташлаб қўйиш баҳонасида тўшақдошига айланганди. Умида Адҳамжонга ўзини адвокататурада ишловчи “Гулчехраҳон”ман дея таништирганди.

“Гулчехраҳон” (Умидаҳон) билан масрур дамларни ўтказиб маззаҳўранда бўлиб қолган қишлоқ йигити ёстикдошининг Наманган шаҳридаги хонадонига муллани бошлаб келиб, ҳалоллагандай ниҳолатиб ҳам олганди. Ушанда Адҳамжон балиқ мисоли тумшугидан илинганини билмаган экан. Бундай дейишимизга сабаб кейинроқ Умидаҳон норасмий эрининг бошига шундай қуларни солдики, асти қўяверасиз.

Тўшақдаги “ҳиммати” эвазига Адҳамжонга кўрқитиб, 1020.000 сўм наҳд пулни ундириб олди. Уни олишда соддадил йигитга: “Бўйимда бўлган болакай сиздан. Агар мен айтган пулни бермасангиз шармандангизни чиқараман!” - деган дағдағани қилди. Буни эшитган “эр” бўлмиш йўқ ердан бор қилиб, зўрга ўша бир миллион сўмдан сал ортиқроқ пулни топиб-тутиб берди. Адҳамжонни пасткашроқ деб ҳисоблади, шекилли ундан бошқа пул чиқмаслигига ақли етиб, ўзи ўғирди.

Лекин “касб”ини ташламади. “Уғрига мол қаҳамти?”! деганларидек товламачиликда анча-мунча тажриба орттирган Фозилова навбатдаги “севгилис”ни ҳам осонгина топди. Бахти очилганини қарангки, галдаги ёстикдоши чин-

**СЎНДИРГАН УМИДАҲОН**



ҳам бор эди. Дастлабки талаби шундай бўлди:

- Муқимжон ака, сиздан бўлган фарзандимизни Чустадаги холамниқида тугдим. Буни ота-онам бериб, оқ қилиб, воз кечишди мёндан. Болага туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани олишим керак. Уни сизнинг номингизга расмийлаштирмоқчиман. Чунки у сиздан бўлган. Ҳозир паспортингизни бермасангиз бўлмайди! - деб каттик туриб олди.

Бу гапларни эшитган уйнашининг юрагини ғам босди чоғи:

- Бу мумкин эмас! Уйлаб кўришим керак! - дея олди ҳолос.

Бундай жавоб бўлишини кутган Умидаҳон “тажрибалилиги” боис ҳужумга ўтди: - Уйлашга ҳожат ҳам, вақт ҳам йўқ сизда. Сиз боламнинг отасисиз. Тегишли ҳужжатлар тайёр. Фарғонага бориб, тегишли тиббий экспертизадан ўтсам тамом: иш ойдинлашади. Агар тан олиш-ни истамасангиз оилангизга, маҳалланингизга бориб номингизни булгаб қўйиш ҳам қўлимдан келади...

Бу сўзлардан Муқимжоннинг кўз олди қоронғилангандай бўлди. Нигоҳи олдиндан хотини, ўғил-қизлари, ишхонасидигарлар, маҳалла-қўйдаги катта-кичик танишлари кинотасма сингари бир зумда орқама-орқа ўтди. Умида ҳозир нима деса шуни адо этишга тайёр ҳолга тушди. Буни сезган Умидаҳоннинг дастлабки шартти “ёстикдош”идан бир йўла уч миллион сўм ундириш бўлди. Бунга Муқимжон “жон” деб кўнди. Уни икки бўлиб берди.

Уч миллион сўмни кўртдай санаб олган Умидаҳон тили қисилган, боши ҳам, юзи шувут бўлган “эри”дан навбатдаги

риб олиш айтишгагина осон иш ҳолос. Умидаҳоннинг уйдабурролиги шу билан тўхтагандир дерсиз. Янглишасиз. Орзулари ўзи кутгандан аёло ушалаётганидан қувониб иштаҳаси тобора очилди. Бир миллион кам ўн миллион сўм пул қачонлардир акахонининг кўнглини чоғ этган Умидаҳонга оздек туюлди.

Хом сўт эмган банд эмасми?! Корни тўйса ҳам, қўзи тўймас даражага етди. Қанча кўп бўлса, шунча оздек туюларди. Муқимжон ўзинча: “Энди бўлгандир?! Ахир 9.000.000 сўмни оиламга сарфлаш ўрнига унга бердим. Тинч кўяр!” - деган ўйга борганди. У ҳам янглишди. Ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолар деб айтганини муҳайё қилган “эр”га учинчи бор талаб қўйилди.

Бу сафар ҳам худди биринчиқидек Умидаҳон уч миллион сўм товон пули тўламаса,

“Ерга кирсангиз қулогингиздан, осмонга чиқсангиз ёнгингиздан тортиб олишга қодирман!” - деган таҳдид қилди. Ҳар қандай шер юрак эркакни ваҳимага солади-ган бу гаплар Муқимжонни адои тамом қилди. Бамисоли говмиш соғин сизирга айланган “эр” уни ҳам топиб берди. Ҳақларни миқдорини 12.000.000 сўмга етди.

Манаман деган саҳоватпеша ҳам шунчалик муруват кўрсатмаслиги аниқ. Аммо Муқимжон Маҳсумов билмасдан босган тиканининг азобини тортишдан бошқа чора тополмасди. Мол аччиғи - жон аччиғи бўлса ҳам тишини тишига қўйиб кун ўтказарди. Виждони қийналарди. Болаларининг ризқини қийганидан азобланарди. Дарди ичиди.

Кассобга ёғ қайғуси, эчкига жон деганларидек ўз ёғига ўзи қоврилиб, энди қулоғим тинчигани шу бўлса керак деб умид қилиб юрганида Умидаҳон ўн икки миллион сўмни айтган маҳалимда камитмай бериб келган оғам бундан-да кўпроқ беришга қодир экан, деган фикрда тўртинчи бор қийноққа солиб, синаб кўрмоқчи бўлди.

Аммо бу галгиси чиндан ҳам “қўли ва кўнгли очик” хуштор Маҳсумовнинг жон-жонидан ўтиб кетди. Нега дейсизми? 12.000.000 сўмининг соҳибасига айланган “хотин” бўлмиш Фозилова ундан яна беш миллион сўм чўзишини талаб этганди. Муқимжоннинг эса бу маблағни топиб берадиган манбаси қолмаганди. Борини бериб, яна қарзларга ҳам ботганди. Муқимжон уйлай-уйлай тортиган азоблари ҳамда яна беш миллион сўм бермаса нимага мубтало бўлишини билиб, охири хотинига ётиги билан айтиш-

оқламасин, содир этган жиноятларини инкор этмасин, барибир муродига етмади. У ўзини эмас, балки кўпроқ унга бемаврид ошиғу шайдо бўлган хушторларини тўхматчи сифатида қоралади.

Суд ҳайъати судланувчи Умидаҳон Фозиловага нисбатан жазо тайинлашда унинг аёл кишилиги, эндиликда янги туғилган чақалогини қўшганда қармоғида беш нафар ёш-ёш фарзандлари борлигини енгиллаштирувчи ҳолат деб топди.

Бироқ муттаҳамликни ўзига касб қилиб олган бу кимса муқаддам судланиб, ундан тўғри ҳулоса чиқармади. У ўзига ҳирс тўфайли ошиқ бўлган Адҳамжон Аҳмаджонов ва Муқимжон Маҳсумовлардан жами 18.620.000 сўм талаб қилиб, унинг 15.620.000 сўмини ундириб, шахсий манфаатлари йўлида ишлатиб юборган.

Суд Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 165-моддаси 3-қисми “а” бандида қайд этилган айбни эълон қилиб, уни ўн йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосига тортиди. Бунга қўшимча тарзда яна икки йиллик синов даврини ўтамаганлиги боис жами ўн бир йилга “ичкари”га “меҳмон”га юбориладиган бўлинди. Шундай қилиб, акахонларининг қайси биридан орттиргани номаълумлигича қилиб, бешинчи фарзандини туққан она бўлмиш узоқ йиллар мобайнида умумий тартибли колонияларда ўтириб чиқишга мажбур бўлади.

Аёл жиноятга қўл урмасин экан. Бундан даҳшатлиси йўқ. Даҳшатлилиги шундаки, энди ҳали эси қирмаган ўғил-қизлари отасиз қолишгани етмаганидек, вақтинча бўлса-да, соф етим бўлиб қолишадиган-ку. Уларнинг қайси бирини қайси бир эркак, “Мен шуларни отаси эдим!” дея бағрига оларкин?! Ўткинчи ҳою ҳавас оқибатида дунёга келган бу норасида гўдақларнинг айби нимада?!

Улар соғ-омон ўсиб-улғайишса (илоҳим шундай бўлсин) қўриб-билганлар вақти-соати келиб юзларига “Сенлар отасиз туғилгансанлар, отангни тайини йўқ. Онанг эса фалончиди!” деган тавқи-лаънатни айтиб, қалбларини хонавайрон қилмайди, деб айта олмай-миз-ку, ахир.

Таъкидлаганимиздек, баднафслиқда тенги йўқ Умидаҳон Фозиловани қоралаш баробарида унга бевақт, бесабаб ошиғу шайдо бўлиб, тузоғига илиниб, не-не хийлаю найрағларнинг азобини тортиган эркакларни нима дейиш мумкин? Ор-номус керак экан, ҳирс қулига айланмаслиққа ақллари етмадики, ўша бойвачча акахонларнинг?

Нوشўр банд Умидаҳон Фозилова шундай қилиб бор умидларни сўндирди. Бу қилишлари билан бошқаларга сабоқ берди. Баднафс бева бадном бўлди.

**Асқарали МАМАТОВ, Наманган вилояти.**

Ўрта ва кекса ёшда эркаларда кўп учрайдиган касалликлар сирасига аденома, простатит ҳамда эркалар климаксини кириштириш мумкин. Ҳар учаласи ҳам охири-оқибати жинсий қобилият сусайишига олиб келиши боис эркаларнинг руҳиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Куйида бу касалликларнинг сабаблари ва улардан сақланиш бўйича халқ таботатига оид қатор маслаҳатлар сизнинг ҳукмингизга ҳавола этилади.



# БУ КУНИМНИ

**Аденома** кўпроқ 40 ёшдан кейин учрайди. Жумладан, 40 ёшдаги эркаларнинг 42 фоизда, 60 ёшдан кейин эса нақ 84 фоизда у ёки бу даражада аденома аломатлари қайд этилади. У жинсий безлар гормонал фаолиятининг сусайиши натижасида юзага келади. Аденома безининг катталашиб сийдик халтасини сиқа бошлаши натижасида тез-тез ҳолатга чиқиш эҳтиёжи сезилади. Лекин тўлиқ бўшана олмаслик, халтачада сийдик қолиб кетиши оқибатида бемор буйрак атрофида пайдо бўладиган оғриқдан қўйналади. Аденома касби тақозосига кўра асосан ўтириб ишлайдиган эркаларда кўпроқ кузатилади. Мунтазам жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланадиган, иши серҳаракатлики талаб этадиган эркалар эса камдан кам ҳолларда бу касалликка чалинадилар.

гизни олдинга, чапини эса орқага ёясиз. Кейин аксинча. Машқ жами ўн марта бажарилади.

- тик турган ҳолатда бирор нарса (стол, стул ёки девор) дан ушлаб, бир жойда оёқни чалиштириб юриш машқини бажаринг. Меъёр - 30-50 қадам.
- Тик турасиз. Оёқларингиз жуфтлашган, қўлларингиз икки ёнда. Қўлларингизни юқорига кўтариб нафас оласиз, туширганда нафас чиқарасиз.

Имкони бўлса, велосипед ҳайдаш ва от миниш керак. Аниқлашича, чавандозларда аденома деярли кузатилмас экан. Ҳар куни эрталаб соғломлаштирувчи югуриш машқларини бажариш ҳам аденомадан сақланишнинг самарали усулларида саналади. Тўғри овқатланиш, мунтазам жинсий ҳаёт кечириш, шахсий гигиенага риоя этиш ҳам муҳим. Овқатларнинг хилма хил, тўйимли ва витаминларга бой бўлишига эътибор қаратиш керак. Ёш ўтиши билан дудланган ва аччиқ таомлардан, ширинликлардан воз кечиш, сийдикнинг тиббий таҳлилида урат ва оксалат тузлари борлиги аниқланса, чой ва қаҳва ичмаслик, гўшти овқатларни камайтириш, туз истеъмол қилмаслик керак.

Бемор кечалари 3-4 марта ҳолатга чиқишга мажбур бўлса, суяқлик истеъмол қилишни ҳам кескин камайтириш, имкон даражасида соат 18 дан кейин умуман суяқ нарсалар ичмаслик лозим.

**Простатит** - простата бези ялиги-

# ТИСАМАСМАН...

ланиши касаллиги бўлиб, одатда у 35-40 ёшлардаги семиз ҳамда касби ўтириб ишлашни тақозо этадиган эркаларда кузатилади. Аденома ва простатит ёнма-ён юрадиган ва бир-бирига ўхшаш касалликлар бўлгани боис улар деярли бир хил усулда даволанади. Жумладан, халқ таботатида куйидаги усуллар тавсия этилади:

1. Аденома ва простатитнинг профилактикаси ва даволаш учун ҳар куни 15 грамм гул чанги (уни асаларичилардан топишингиз мумкин) истеъмол қилиб туриш керак.
2. Кунига бир неча марта оч қоринга ошқовоқ уруғини еб туриш зарур. Шунингдек, кунига 3 маҳал бир чой қошиқдан ошқовоқ уруғидан олинган ёғ ичиш ҳам яхши фойда беради. Муолажани камида бир ой ўтказиш лозим. Хом ошқовоқ шарба-

тини эса кунига 2 маҳал ярим стакандан ичиш тавсия этилади.

3. Оддий нок гулидан 30 граммни бир литр қайноқ сувда идишнинг устини яхшилаб ўраб, 30 дақиқа дамлаб қўясиз. Простатитнинг оғир шаклида кунига чой ва сув ўрнига 5 стакандан ичиш тавсия қилинади.

4. Аденома ва простатитда пиёзни кўп миқдорда истеъмол қилиш яхши фойда беради.

5. Узоқ вақт давомида сабзи, қизил лавлаги ва бодринг шарбати аралашмасидан кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичиб туриш керак.

6. 4 чой қошиқ петрушка уруғини талқон қилиб сувсиз ва устига бир стакан қайноқ туя куйиб, 15 дақиқа қайната-сиз. Совуғач, докадан ўтказиб, кунига 4-5 марта 1 ош қошиқдан ичиш лозим.

**Эркалар климакси.** Соғлом турмуш тарзи, меъёридаги жинсий ҳаёт кечирадиган эркаларда климакс учрамайди. Мунтазам жисмоний тарбия билан шуғулланадиган, ичмайдиган-чекмайдиган, тўғри овқатланиш меъёридаги рия этадиган эркаларнинг ҳатто 80 ёшда ҳам бели бакуват бўлади. Тадқиқотларнинг тасдиқлашича, бундай эркаларда ёш ўтиши билан жинсий гормонлар камайиш ўрнига кўпайиб борар

Аденомадан сақланиш ва унинг дастлабки аломатлари сезилганда олдини олиш учун эрталаблари куйидаги машқларни бажариш тавсия этилади:

- тиззани имкон қадар баланд кўтариб 20-30 сония бир жойда югуриш;
- 50-60 метрга тез чопиш;
- зинапоядан ҳатлаб-ҳатлаб юриш ва югуриш;
- осмонга қараб ётганча оёқларни баланд кўтариб турли ҳаракатларни бажариш.
- юқоридаги ҳолатда ётганча оёқларни тиззадан букиш ва тиззаларни ёнга ёйиш ҳамда яна жуфтлаштириш. Машқни 10 марта бажариш керак).
- юқоридаги ҳолатда ётасиз. Оёқлар тўғри, қўллар тана билан параллел туради. Қўлларингизни юқорига кўтариб нафас оласиз, туширганда нафас чиқарасиз. Машқни 3-5 марта такрорлаш керак.
- чал ёнбошга ётиб, ўнг оёгингизни 4-5 марта юқорига кўтариб туширасиз.
- худди шу ҳолатда ётганча "қайчи" машқини бажаринг. Яъни ўнг оёгин-

лар истеъмол қилинг, соғлом турмуш тарзи кечиришга интилинг.

4. Табиий матолардан тикилган ички кийим кийинг. Чунки синтетик матолар ҳаво ўтказмайди ва ҳароратни оширади. Юқори ҳарорат эса эрка уруғларининг яшовчанлигига салбий таъсир кўрсатади. Тез-тез сауна ва буғли ҳаммомга бориб турадиган эркаларда уруғларининг фаоллиги суст бўлиши тасдиқланган.



**Эркалар ўқисин**

Онгимизга сингиб қолган одатда кўра бизда бепуштлиқда асосан аёллар айбдор саналади. Ваҳоланки, тахлилларнинг кўрсатишича, фарзанд кўролмасликда эркалар ҳам аёллар билан тенгма-тенг айбдор бўлиши мумкин экан. Бунинг сабаблари эса бир қанча. Жумладан, ёшликда ўтказилган ўткир юқумли касалликлар, жинсий аъзолар шамоллаши, эрка уруғининг

# ЭРКАЛАР

патологик ўзгаришлари, гиёҳвандлик, қашандалик, спиртли ичимликлар истеъмол қилишга ружу қўйиш кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Турмуш қургандан сўнг 12 ой ичида аёл хомилдор бўлмаса, нафақат у, балки эрка ҳам шифокорга мурожаат этиши керак.

**Фарзанд кўриш эҳтимолини ошириш учун одатда шифокорлар даволаниш билан бирга куйидаги оддий усулларни ҳам тавсия этадилар:**

1. Жинсий яқинликдан кейин хотинингиз 10-15 дақиқа осмонга қараб ётсин.
2. Ҳафтасига 3-4 марта яқинликда бўлинг.
3. Тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликлардан воз кечиш, витаминларга бой озиқ-овқат-

# БЕПУШТЛИГИ

**Халқ таботати эркалар бепуштлигида, унинг сабабларидан қатъий назар, умумий даво усуллари тавсия этади. Жумладан:**

1. 3 дона товук тухумининг сариги, 3 та лимоннинг шарбати, 200 грамм асал, 200 миллилитр қизил винони аралаштириб, қоронғу ва салқин жойда сақлайсиз. Ҳар куни эрталаб ва кечқурун овқатланишдан 20 дақиқа олдин 1 ош қошиқдан еб туриш зарур.
2. Мўмиёни асал ва тухум саригига қўшиб истеъмол қилиш эркалик кувватини, спермаларнинг миқдори ва сифатини оширади. Шу-

нингдек, ҳар куни эрталаб оч қоринга ва кечқурун уйқога ётишдан олдин 0,2-0,3 грамм мўмиёни 2 ош қошиқ сабзи, зайтун ёки черника шарбатида эриштириб ичиш керак. Муолажанинг давомийлиги 25 кун. Ун қандан сезг уни яна қайтариш мумкин.

3. Ҳам эркалар, ҳам аёлларнинг гормонал тизими ишини меъёрлаштириб туришда кўпроқ ёнғоқ ёйиш тавсия қилинади. Уни салатларга,

пиширилганга қўйиш, ўзини алоҳида истеъмол қилиш ҳам мумкин.

4. Бепуштлиқда анор истеъмол қилиш ёки унинг шарбатини ичиш ҳам яхши натижа беради. Кунига бир дона анор ёйиш ёхуд 1/3 стакан шарбатини ичиш керак.

5. 1 ош қошиқ маврак (шалфей) баргини 1 стакан қайноқ сувда бир соат дамлаб қўясиз. Сўнг докадан ўтказиб, кунига 3-4 маҳал 1/3 стакандан ичиб туриш керак. Муолажани бир ой давом эттирасиз.

**ЭСЛАТМА:** Саҳифада номлари келтирилган гиёҳларни дориҳоналардан топишингиз мумкин.

# ОДДИЙ ҲАҚИҚАТЛАР

• Жисмоний, руҳий ва ҳиссий жиҳатдан эрка ва аёл бир-биридан кескин фарқ қилади. Жумладан, эркаларда (ўғил болаларда) жинсий уйғониш даври қиз болаларга нисбатан 2-3 йил кейин бошланади. Эркалар аёлларга қараганда 5-7 йил камроқ яшайдилар.

• Полшалик олимлар ўтказган тадқиқотлардан маълум бўлишича, аёлларнинг 54,7 фоизи эрларнинг ўзларига содиқ бўлишини, 53 фоизи ишбилармон, уддабурон, 51,2 фоизи ақли, 19,3 фоизи эса ғамхўр бўлишини истаҳар экан.


• 14 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаларнинг деярли барчаси жинсий яқинлик ҳақида ўйлашар экан. Энг қизиги, 35-40 ёшдаги эркалар бу ҳақда кунига 5-6 марта ҳаёл суришлари аниқланган. Шу боис акарият эркалар кўча-қўйда бегона аёлнинг биринчи навбатда оёқларига эътибор қаратишар экан.

• Ҳамма эркаларни жинсий ҳаёт борасида қўрқувга соладиган битта масала бор: "ўша иш"ни эпломмай қилиш. Соҳа мутахассисларининг таъкидлашларича, афсуски, кейинги вақтларда эпломлай қилиш муаммоси тез-тез учрамоқда. Бунинг сабаблари ҳам хилма-хил: ичкиликбозлик, ишдаги омадсизликлар, кайфиятга салбий таъсир этувчи воқеа-ҳодисалар, аёлларнинг эрларидан тўшакда унинг имкониятларидан ортиқ нарсани хоҳлаши ва ҳоказо. Қолаверса, акарият фильмлардаги эрка ва аёл муносабатлари очик-сочик кўрсатиладиган "яланғоч" саҳналар, хотин-қизларнинг кийинишидаги эркинлик (қалта юбкалар, баданни кўз-кўз қилувчи қўйлақлар) ҳам эркаларнинг, айниқса ёш йигитларнинг "эттини ўлдиринг"га сабаб бўлаётти, дейишмоқда дунё олимлари.

**Д. ИБРОҲИМОВ тайёрлади.**



**Д**унёда узок умр кўриш сирларини талкин этувчи 300 дан ортик назариялар мавжуд. Тўғри, инсонга ёшлигини қайтариб беришнинг мутлақо иложи йўқ, аммо ёш, бардам-бакуватлик дамларини узайтириш имконияти бор. Бу борада энг яхши кўмакчи она табиатдир. Табиат инъом этган сирли, ғайриоддий доривор воситалардан бири ҳеч шубҳасиз, мўмийдир.



**(Боши ўтган сонда)  
Гастрит, гастроуденит**

Стаканинг 2/3 қисми микдориди қайнатилган илик сув олиб, унда 2 грамм мўмийни эритинг ва эрталаб оч қоринга бир ош қошиқдан ичиб туриг. Муолажани ўн кун давом эттиргач, 5 кунлик танаффус қиласиз. Сўнг яна бир марта такрорлайсиз.

**Геморой**

Кунига икки маҳал (эрталаб оч қоринга ҳамда кечкурун уйкуга ётишдан олдин) 0,2 грамм мўмийни 2 ош қошиқ ўсимлик ёғи ёки эритилган қорамол ёғида эритиб ичиш керак. Муолажа 25 кун давом этади. Сўнгра 10 кун танаффус қилиб, муолажани яна қайтариш зарур. Ичиш билан бир вақтда ҳар кун эрталаб айнан шундай эритма билан орқа тешикни ёглаб туриш, тегишли микдордаги сувга 1 ош қошиқ эритмадан кўшиб клизма қилиш ҳам яхши самара беради. Муолажани ҳар уч ҳафтадан сўнг 7 кунлик танаффус қилиб, 3-4 ой давом эттириш керак.

**Гипертония**

Гипертония, яъни артерияда кон босимининг ошиб кетишида кунига бир маҳал уйкуга ётишдан олдин 0,2 грамм мўмийни 1/4 стакан қайноқ сувда эритиб ичиш керак. Муолажа 10 кун давом эттирилади. Кейин бир ойлик танаффус қилиб, яна такрорлайсиз. Яхши натижага эришиш учун муолажани албатта 2-3 марта ўтказиш зарур.

**Глаукома (кўк сув)**

Глаукома, бошқача айтганда кўз ичи босимининг зўрайиши - кўк сув касаллигини даволашда ҳам мўмийдан самарали фойдаланса бўлади. Бунинг учун кунига 2-3 маҳал овқатланишдан олдин 0,2 грамм мўмийни ярим стакан қайнатилган сувда эритиб ичиш керак. 10 кундан сўнг беш кунлик танаффус қиласиз ва яна шу тарзда 2-3 марта муолажани такрорлайсиз.

**Йирингли аралар**

1 грамм мўмийни 100 грамм тоза ароқда эритиб, кунига бир марта мана шу эритмада пахтани хўллаб, ярани 5-6 дақиқа давомда эҳтиётлик билан артиб турсиз. Муолажани 20 кун давом эттириш, зарурат бўлса, 10 кундан сўнг яна такрорлаш зарур.

**Бош огриғи, бош айланиши, эт увшиши**

Ҳар кун икки маҳал - эрталаб оч қоринга ва кечкурун уйкуга ётишдан олдин 0,2 грамм мўмийи таблеткасини уч ош қошиқ сут ёки асалда эритиб

# МЎМИЁ - ШОҒ БАЛЗАМИ

ичинг. Муолажани 25 кун ўтказиш, бир ҳафталик танаффусдан сўнг яна такрорлаш керак.

**Қабзият**  
1 грамм мўмийни ярим литр қайнатилган сувда эритиб, ҳар кун эрталаб оч қоринга ярим стакандан ичиш керак. Устидан филтрдан ўтказилган хом сув ичиб юборасиз. Муолажа 10 кун давом этади.

**Жигар ва буйрак касалликлари**



Бир литр қайнатилган сувда 1 грамм мўмийни эритиб, ҳар кун уч маҳал овқатланишдан 30 дақиқа олдин 4 чой қошиқдан ичиш зарур. Устидан 1/3 стакан қизил лавлаги шарбати ичиб юбориш керак (ичишдан олдин шарбатни 2 соат музлаткича сақлаш шарт). Муолажа куйидаги схема бўйича ўтказилади: 10 кун мўмий ичасиз, сўнг 3 кун танаффус қиласиз. Кейин муолажани яна такрорлайсиз. Сизга ҳаммаси бўлиб 15 грамм мўмий зарур бўлади.

**Ўт(сафро)да тош пайдо бўлиши**

1 грамм мўмийни бир литр сувда эритиб, кунига уч маҳал - овқатланишдан 30 дақиқа олдин бир стакандан ичиб туриш лозим. Мўмийни 10 кун ичганингиздан сўнг 5 кун танаффус қиласиз. Шу тарзда жами 12 грамм мўмийни ичиб бўлгунингизча давом эттирасиз.

**Жигилдон қайнаши, ўқчиш, кўнгил айнаши**

Ҳар кун икки маҳал - эрталаб оч қоринга ва кечкурун уйкуга ётишдан олдин 0,2 грамм мўмийни бир ош қошиқ чой ёки қайнатилган сувда эритиб ичинг. Муолажа 30 кун давом этади.

**Инсулт**

Беморга касалхонадан жавоб беришган кундан бошлаб икки ҳафта давомда эрталаб оч қоринга ва кечкурун уйкуга ётишдан олдин бир чой қошиқда алоэ шарбатиди эритилган мўмий ичириб туриш керак. Бунинг учун 5 грамм мўмийни 3/4 стакан шарбатда эритиб оласиз. Алоэ шарбати ўрнида каланхоэ шарбатидан фойдаланса ҳам бўлади. Фақат бунда мўмийни 1,5 стакан шарбатда эритиш зарур. Кейин икки ҳафталик танаффус эълон қиласиз. Ана шу танаффус давомда бемор ҳар кун вақтидан қатъий назар, уч маҳал асалари муми (пропо-



лис)нинг дорихонада тайёрланган дамламасидан 20-30 томчидан ичиб туриши шарт. Муолажани шу тартибда яна бир марта такрорлаш керак.

Муолажа давомда тахминан 10 кун беморга ҳар кун бир марта 1-2 грамм (1-2 чой қошиқ) гул чанги(перга) бериб туриш керак бўлади. Бундай муолажалар ҳар йили камида 2-3 марта такрорлаб турилса, инсултинг қайтарилиш эҳтимоли кескин камаяди.

**ЭСЛАТМА:** гул чанги(перга)ни асаларичилардан топишингиз мумкин.

**Жигилдон қайнаши, ўқчиш, кўнгил айнаши**

1 грамм мўмийни бир литр қайнатилган сувда эритиб, кунига уч маҳал овқатланишдан олдин бир стакандан ичиб туриг. 10 кун мўмий ичгач, шунча вақт танаффус қиласиз. Сўнг муолажани яна такрорлайсиз. Шу тарзда жами 5 грамм мўмий ичгунингизга қадар муолажани давом эттиринг.

**Колит (йўғон ичак яллиғланиши)**

Кунига бир марта кечки овқатдан сўнг уч соат ўтгач, 0,2 грамм мўмийни уч ош қошиқ сувда эритиб ичиш керак. Муолажа 10 кун давом этади. Икки ҳафтадан сўнг яна бир марта такрорлаш мумкин. Шу билан бир вақтда микроклизма ҳам қилиб туриш зарур. Бунинг учун уйкуга ётишдан олдин 0,2 грамм мўмийни ярим стакан қайнатилган илик сувда эритиб, дорипуркагич (спринцовка) ёрдамида орқа тешикка юборинг ва 10-15 дақиқа қимирламай ётинг. Бу муолажани кунора ўтказиш тавсия этилади. Жами 8-10 марта микроклизма ўтказилса кифоя.

**Бурун қонаши**

1 грамм мўмийни бир чой қошиқ камфара ёғида эритиб, кунига икки маҳал буруннинг ҳар бир тешигига 5-6 томчидан томизиб туриг. Муолажани 25 кун давомда ўтказиб, сўнг 10 кун танаффус қилиш керак. Кейин яна бир марта такрорлайсиз.

**Ўпқадан қон кетиши**

Кунига икки-уч маҳал (охир-ғишини уйкуга ётишдан олдин) 0,2 грамм мўмийни 3 ош қошиқ олча ёки сафтоли қиёми (сиропи)да эритиб ичиш зарур. Муолажанинг давомийлиги 25 кун. Уни 10 кунлик танаффуслар билан уч-тўрт марта такрорлаш яхши самара беради.

**Мастит(кўкрак безларининг яллиғланиши)**

Касаллик аломатлари сезилган дастлабки 5-6 кун давомда кунига 2-4 марта овқатланишдан олдин 0,2 граммдан мўмий истеъмол қилиб туриг. Кейин эса микдорни тенг ярмига камайтирасиз. Муолажани тўла соғайиб кетгунингизга қадар давом эттиринг.

**Мигрен**

Ҳар кун икки марта - эрталаб овқатланишдан олдин оч қоринга ҳамда кечкурун уйкуга ётишдан аввал 0,2-0,3 грамм мўмийни ярим стакан илик сут ёки

апелсин шарбатига кўшиб ичиш зарур. Муолажанинг давомийлиги 25 кун. Зарурат бўлса, 10 кундан сўнг яна такрорлаш керак.

**Невралгия**

10-12 дона мўмийи таблеткаси(2-2,4 грамм)ни ярим стакан 8-10%ли тиббиёт спиртида эритиб, 5-6 дақиқа давомда огриқли нуқталарга суриб, уқалаб туриш керак. Бу муолажа билан бир вақтда кунига бир-икки марта 0,2 граммдан мўмийни 3 ош қошиқ асал ёки сутда эритиб ичиб туриш зарур. Муолажани 20 кун ўтказиб, 10 кунлик танаффуслар билан яна 2-3 марта такрорлашни унутманг.

**Нефрит(буйрак яллиғланиши)**

1 грамм мўмийни бир литр сувда эритиб, ҳар кун 4-5 марта овқатланишдан ярим соат олдин бир ош қошиқдан ичиб туриг. Эритма тугагач, 10 кунлик танаффус қилиб, сўнг муолажани яна қайтариг.

**Соч тўкилиши**

Бир грамм мўмийни ярим стакан қариқиз ўти ва ялпиз дамламасида эритиб бош терисига ҳар кун бир маҳал суртиб туриг. Дамламани эса куйидагича тайёрлайсиз: қариқиз ўтининг майдаланган томири ва қуритилган ялпиздан тенг миқдорда олиб, аралаштирасиз ҳамда ундан бир ош қошиғини 1 стакан қайноқ сувда 15 дақиқа дамлаб қўясиз. Совуғач, сузиб оласиз. Куйиш натижасида соч тўкилишида эса куйидагича муолажа тавсия этилади: 3 грамм мўмийни 2/3 стакан қайнатилган илик сувда эритиб, яна худди шунча дистилланган сув қўшасиз. Тайёр бўлган эритмани кунига бир марта бошинг куйган жойига суртиб туриш керак.

**Куйиш**

0,4-0,5 грамм мўмийни ярим стакан сувда эритиб, вақти-вақти билан куйган жойга суртиб туриг.

**Отит(қулоқ огриғи)**

2 грамм мўмийни ярим стакан қайнатилган илик сувда эритиб, ҳар кун уч маҳал бир кулогингизга 3-5 томчидан томизиб туриг. Бунинг учун ёнбош ётиб томизиш ва шу ҳолатда 15 дақиқа қимирламай ётиш керак. Иккинчи ёнбошга ағдарилшдан олдин кулогингизга пахта тиқиб олинг. Кейин эритма худди шу тартибда иккинчи кулоққа томизилади. Уйкуга ётишдан олдин кулоққа мана шу эритмада намланган дока тампон тиқиб қуйиш тавсия этилади. Муолажа огриқнинг босилишига қараб 3-7 кун давом эттирилади.



Йирингли отитда эса куйидагича муолажа қилиш керак: 0,4 грамм мўмийни 25 миллилитр камфара ёғига аралаштириб, эрталаб ва кечкурун 2-3 томчидан кулоқларга томизилади. Шу билан бир вақтда 0,2 грамм мўмийни ярим стакан сувда эритиб ичиб туриш керак. Таъбга қараб асал қўшилади.

**ЭСЛАТМА: онкологик касалликларда мўмийдан фойдаланиш қатъиян таъқиқланади.**


**(Давом бор)  
ДАРМОН тайёрлади.**

**ТИШЛИ КУЁВ АФЗАЛ**

Африкадаги Того, Танзания, Камерун мамлакатларида бегемотнинг тиши омад келтирувчи тилсим саналаркан.

Шу боисдан, айниқса, балофатга етган йигитлар, энг кучли сув оти, деб аталмиш жониворнинг тишига эришувни ўзлари учун катта шараф деб билишаркан. Агар қизларга куёв танлашга тўри келса, албатта ўша "сув оти"нинг тиши бор йигитни маъқул топишаркан.

Чунки бегемотнинг тишига кучли мўъжизавий сир яширинган бўлади, унинг эгасини инсу жинслардан асрайди ва омад йўлини очади, деб билишаркан. Тиш қанча катта бўлса, омад ҳам ана шунча катта келаркан. Баъзилар оғирлиги 3-4 килограмм бўлган бегемот тишини ёнларида осиб юришаркан. Ёки дунёга келган чақалоқларнинг ёнига ана шундай тишлардан қўйиш одат тусига кирган экан. Кимда-ким бегемотнинг тишини топиб олса, унинг учун ҳақиқий байрам бўларкан.



**ЎРМОНГА САЛОМСИЗ КИРИЛМАЙДИ**

Венгриянинг Бутешара деб аталмиш ўрмонларида саломсиз кирилмайдди. Сабаби, маҳаллий аҳолининг удумича, ўрмонлар Тангриси саломсиз қадам қўйган одамни хушламас экан.

Айтайлик, кимдир ўрмонга саломсиз қадам қўйса, у ўзининг саховатларини сир сақлаб, яшириб олarkan. Хуштаём кўзқоринлар ўз-ўзидан ғойиб бўлиб, ейишга яроқсизлари эса кўпайиб кетаркан. Ўрмондаги мевалар ҳам яшириниб, узоқлашиб кетади, деган тушунча ҳам мавжуд. Ҳатто саломсиз ўрмонга ов қилгани кирганлар ҳам ҳар қачон ўлжасиз қайтишаркан.

Шу боисдан маҳаллий аҳоли ўрмонга қадам қўйиши олдида: "Салом, Бутешара! Менга ўз саховатингни оч!" дея хайқираркан. Ана шунда ўрмон ўз сахий-



лиги билан уни сийларкан. Нима ҳам дердик, табиатга ҳурмат сақлагани табиат ҳам сийлар экан-да.

**Одамлар**

**ва**  
**удумлар**

**ТУЛКИ ГЎЗАЛЛИК**  
**ТИМСОЛИ**

Норвегияда тулкига гўзаллик тимсоли сифатида қараш анъанавий тус олган. Агар кексалар ёшларга яхши тилак билдиришмоқчи бўлишса, "Тулкидек гўзал ва доно келин ато этсин", деган иборани қўллашади.

Тулкини гўзалликка қандай дахли бор, дерсиз. Дахли бор экан-да. Бу мамлакатда ноёб тулкиларнинг мўйнаси-дан тайёрланган кийим-кечаклар жуда кўп ва улар юқори қадрланади. Чунки юмшоқ ва иссиқ, жозибали кийимлар кимга маъқул бўлмайдди, дейсиз. Шу боисдан бу мамлакатда тулкилар ижобий маъно кашф этган жонивор саналаркан. Турли-туман совға-саломлар ўралган қоғозларга тулкининг сурати тушириларкан, тулкилар мадҳ этилган кўшиқлари ҳам кенг урф бўлган. Яъни тулки беозорлик, ёқимтойлик тимсоли бўлиб қолган.

**ЖАНЖАЛСИЗ ОИЛА ЙЎҚ**

Бу дунёда жанжал чиқмаган биронта ҳам оила бўлмаса керак. Мўғулистонда ҳам худди биздагидек, "жанжал чиққан оиладан барака қочар", деган халқ ибораси бўлиб, фақат улар буни ўзларининг миллий удумидан келиб чиқиб, "Жанжални босишга ўнта туя, унга йўл қўймасликка эса битта туя керак", дейишаркан.

Буни шундай тушунмоқ керакки, жанжал чиққан тақдирда икки томонни муроғасга келтириш учун борди-келдига ўнта

туя керак бўлади. Оилада жанжал чиқармаслик учун эса минггана битта туя кифоя қилади. Негаки, одам яланғоч туяга миниб, ҳафтасига бир-икки соат сайр қилса, унда жаҳл кўзғовчи салбий қувватлар батамом йўқоларкан. Шу боисдан бу халқда ёш келин-куёвларни туяга миндиришиб, атрофга сайр қилгани чиқаришаркан. Шу боисданми, бу халқда турмушнинг бузилиши камдан-кам ҳолатда кузатиларкан. Оилада биттагина туя бўлса ҳам жанжал чиқмас экан-да.

**СЕВСАНГ ХАЛТАНГ БЎЛСИН**



Ҳиндистоннинг жанубий штатларида, "Севсанг халтанг бўлсин, халтанг бўлмаса, болтанг бўлсин", деган ажабтовур удум бор. Севгини халтага нима дахли бор, дерсиз.

Мамлакатнинг жанубий океанбўйи соҳилларида қуёшнинг ҳарорати жуда баланд. Одамлар жазирадан ўзларини панага олишади. Сувни истемол қилвериб эса вужудни чарчатиб, ҳолсизлантиради. Ҳар доим мева ва сабзавотларга эҳтиёж кўпроқ сезилади. Қачонлардир иссиқдан бир қишлоқ аҳолиси қирилиб кетган экан. Фақат биттагина деҳқон ўз оиласини сақлаб қолибди. Ундан: "Нима учун фақат сенгина оилангни сақлаб қола олдинг. Буни сирини нимада?" - деб сўраганларида: "Мен аёлимни севаман ва ёнимда ҳамиша халта олиб юраман", деб жавоб берган экан. У халтада ҳар қуни даладан яшанг сабзавот олиб келаркан-да.

Ёнида халтаси йўқларнинг қўлида болтаси бўларкан. Болта билан ёғоч кесиб, тобут тайёрлаш маъносиде, ана шунча дейиларкан.

**НЕЧТА ОШҚОВОҚ ЕЙСАН?**

Бразилияликлар ҳам серфарзандликни хуш кўришаркан. Бу мамлакатнинг тоғли худудларида яшовчи аҳоли орасида: "Нечта ошқовоқ ейсан?" деган ибора тез-тез ишлатилиб туриларкан. Бу қандай ибора бўлди, дерсиз?

Гап шундаки, халқ орасида "омборингга 101 та ошқовоқ жамғариб қўйсанг, бемалол яшайверасан, муҳтожлик сезмайсан" деган удум бўлиб, бунинг маъноси "Агар уйингда 101 та ошқовоқ бўлса, кенг-мўлчилик бўлади, фарзандлар ҳам туғилверади, саломатлигинг ҳам дарз кетмайди", дегани экан. Нега айнан 101 та дерсиз? Бу рақам халқда кенг-мўлчилик деган маънони аңлатаркан.

Яна шундайки, бу мамлакатда ошқовоқдан 101 хил таом пиширилиб, дастурхонга тортиларкан. Бу борада бразилияликлар, хитойлик пазандаларни ҳам орқада қолдириб кетишган. Ош-



қовоқлардан хуштаём таомлар тайёрлашда бразилияликларга етадигани ҳозирча топилагани йўқ. Бу мамлакатда, ошқовоқни жазза билан ейилса, фарзандларни кўпайтиради, деган удум ҳам бор.

**ЭРКАКЛАР ИДИШ**  
**ЮВИШМАЙДИ**



Италиялик эркеклар оилада идиш-товоқ ювишни ўзлари учун қаттиқ орият санашаркан. Агар биронта эркекни камситиш лозим бўлса, "у оилада идиш-товоқ ювади", дейилса бас, бу унинг учун қаттиқ ҳақорат саналаркан. Яъни хотини буюрган ишни қилади, эркеклик ғурури йўқ, деган маънони билдириларкан.

Агар биронта аёл эрини уйда идиш-товоқ ювишга мажбур қилгундай бўлса, эркек хотинни судга бериб, ахрашиб кетишга ҳаққи бор экан.

Ақсинча, финляндиялик эркеклар идиш-товоқ ювишда хотинига ёрдам беришга ҳамиша ҳозир бўлишаркан. Бундай ишни нафсониятга ҳеч қандай дахли йўқ деб санашаркан-да.

**Комилжон НИШОНОВ**  
тайёрлади.

**ВИНО ИЧМАГАНДАН ҚИЗ ОЛМА**

Грузияда вино тайёрлаш азал-азалдан миллий касбкорга айланган. Қишлоқларда яшаётган оилаларда узумзорнинг бўлиши шарт.

Миллий удумга кўра, ўзининг узумзори бўлмаган ва вино тайёрламаган оила, саховатсиз оила саналади. Бу халқда кимки ўзининг соғлигини уйлამаса ва меҳмон келишини хушламаса, узум экмай қўя қолсин, деган гап бор. Ҳатто оила бошлиғи вино ичмаса, унинг оиласидан қиз олма, деган удум ҳам бор. Бунинг сабаби узумнинг шарбатидан тайёрланган ичимлик одамнинг вужудини поклаб, сахийлаштиради. Вино ичмаган одамнинг феъли тор бўлади, дея таърифланади.



**КЎЧҚОР СУЗСА МАЙЛИ**

Индонезияда ишга кеч қолганлардан "нима бўлди, кўчқор суздими?" деб сўрашаркан. Ҳайрон бўлмагн, ҳаммани ҳам кўчқор сузавермайди-ку. Катта шахарларда кўчқор нима қилсин.

Гап шундаки, юқоридаги иборанинг аjoyиб кўчма маъноси бўлиб, "Қайнонагдан дакки эшитмадингми, ишқилиб?" деган саволнинг пардозланган шакли экан. Агар тинчлик бўлиб, шунчаки бирор сабаб билан ишга кеч қолган бўлса: "Кўчқор сузса майли", дея жавоб қиларкан. Косанинг тагида нимкоса, деганларидек, бу жавобнинг замирида ҳам ўткир қочирик акс этган бўларкан. Яъни "Кўчқорнинг сузгани ҳеч гап эмас, қайнонаминг сузишидан Худо асрасин", деган маънони бераркан. Ҳамма юртда ҳам сиркаси сув кўтармайдиган қайноналар йўқ эмас экан-да.

Яна шуниси ҳам борки, қўй гўшти етиштириш бўйича бу мамлакат дунёда биринчи ўринда туради.

**Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси**

Фойдаланилмаган қўлёзмалар тахлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 20.00. Босишга топширилди - 21.00

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru  
oilavajamiyat@mail.ru

**БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САЙДОВА**

Бош муҳаррир: 134-86-91  
Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46  
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20  
Табриқлар, эълонлар: 133-28-20  
Бўлимлар: Оила - 133-04-35, 134-25-46  
Бухгалтерия: 132-07-41

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
Тошкент - 700000  
Амир Темур кўчаси,  
1-тор кўча, 2-уй.  
«Олой» бозори ёнида.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси**

**ОБУНА ИНДЕКСИ** - 176  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.  
Буюртма Г - 632. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.  
Адади - 13162  
Саҳифаловчи — Ш. БАРОКОВ  
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ  
Навбатчи — Д. ИБРОХИМОВ  
Мусаҳҳих — С. САЙДАЛИМОВ

1 2 3 4 5 6